



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

### ТАДБИРКОРЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

3 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан мулоқотига тайёргарликнинг бориши бўйича йиғилиш ўтказилди.

Маълумки, 2021 йил 20 август куни давлатимиз раҳбари тадбиркорлар билан илк бор очик мулоқот ўтказган эди. Бу сана мамлакатимизда "Тадбиркорлар куни" сифатида белгиланиб, бундай учрашувлар анъанавий тарзда, ҳар йили ташкил этиладиган бўлди.

Бу йил ҳам мазкур мулоқотга катта тайёргарлик қўрилмоқда. Тадбиркорлардан савол ва таклифларни йиғиш бўйича республика штаби ҳамда "колл-марказ" ташкил этилган. Унга бугунги кунгача 7 минг 200 дан ортиқ таклиф ва мурожаатлар келиб тушган. Республика штаби аъзолари уларда кўтарилган тизимли ва хусусий

масалаларни ҳар куни муҳокама қилиб бормоқда. Уларнинг аксарияти жойида ҳал этилмоқда.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари соҳадаги тизимли муаммоларга алоҳида эътибор қаратди.

Таҳлилларга кўра, хусусий мулк ҳимояси, лицензия ва рухсатномалар олишдаги бюрократия, тадбиркорлар учун кредит, ер ва бино ажратиш, солиқ маъмуричилиги ҳамда инфратузилма масалалари долзарб бўлиб турибди. Йиғилишда бу муаммоларнинг сабаблари ва уларни ҳал этиш чоралари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир мурожаатни, айниқса, кичик ва ўрта

бизнесни қўйнаётган масалаларни алоҳида назоратга олиб, қонуний ва ижобий ечим топиш зарурлигини таъкидлади. Худудларга чиқиб, тадбиркорларнинг муаммо ва таклифларини ўрганиш асосида бизнес учун шароитларни яхшилаш, тартиб-таомилларни соддалаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берди.

Август ойи ўртасидан бошлаб жойларда вазирилар ва ҳокимлар иштирокида тадбиркорлар билан мулоқот ҳафталиги ўтказилиши белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокидаги учрашув бу ҳафталикнинг якуний ва асосий воқеаси бўлади.

ЎзА

### ШУКРОНА БИЛАН ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ЕТАЙЛИК



Дунёда шундай неъматлар борки, улар ҳақида аслида кўп гапириб бўлмайди. Уларга тавсиф берсанг, мадҳидан сўз очсанг, оҳорини тўкиб қўясан гўё. Она, Ватан, эркинлик, тинчлик, тотувлик, фаровонлик мана шундай улғў неъматлардан. Бироқ шундоққина кўз ўнгингда рўй бераётган эзгу тушунчаларга дахлдор улғўвор ўзгаришлар ҳақида тўққинланиб гапирмаслиқнинг ҳам имкони йўқ-да.

1984 йил. Мен Шаҳрисабз тумани партия кўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган кезлар... Раҳбарман, берилган топшириқларни вақтида бажариш, ҳисоботларни топшириш ўз йўлига, аммо одамларнинг яшашга бўлган иштиёқи тобора сўниб бораётганини ҳис қиламан. Атрофдаги ёшу кексанинг пешонаси

тиришган, умри пахта даласида ўтади, ёйилиб бир байрам қила олмайди. "Пахта иши", "Ўзбек иши" оловлаган. Ҳали у хонадонда, ҳали бу хонадонда, қама-қамаларнинг изтироби соя солади. Уша кезларда ёши улғў отахонлардан бири Хайрулло бобо ёнимга келиб дардини "достон" қилгани кечагидек эсимда:

— Қачон қаддимизни кўтариб юрамиз экан, қачон ўзи оқ, меҳнати қора пахтанинг залворидан, юкидан озод бўламиз. Наврўзни нишонлай олмасак, отамизга жаноза ўқита олмасак, онамиз дастурхон кўтариб тўйга бора олмасак, эскилик сарқити эмиш? Айтинг, қачон ёруғ кунлар келади?

Гапиролмаганман ўшанда. Чунки қачондир биз кутган кунлар келишини билмас эдик-да. Шаштимиз, шаҳдимиз синган пайтлар экан. Бешинчи синф болалари эгратларда қўллари совуқдан қотиб, йиғлаб турган пайтлари бўлган.

▶ Давоми 3-бетда

### СУРИШТИРУВ ВА ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 3 август куни суриштирув ва тергов органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича режалар тақдимоти билан танишди.

Тегишли идоралар мутасаддилари тергов ва дастлабки суриштирувларни олиб боришдаги муаммоларни омилилар, янги пайдо бўлаётган таҳдид ва жиноят турларини ҳисобга олган ҳолда терговчи кадрларнинг салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан ахборот берди.

Хусусан, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар, иқтисодий жиноятчилик ҳамда кибермақонда ёки ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган жиноятларни тергов қилиш бўйича фаолиятнинг методик таъминотини такомиллаштириш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари замон талаблари ва халқаро стандартлар асосида суриштирув ҳамда тергов идоралари учун профессионал кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини узлуксиз ошириб боришнинг янги самарали тизимини яратиш бўйича топшириқлар берди.

ЎзА

### АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

## КЕЛАЖАК КАДРЛАРИ

IT ривож — бугунги ва эртанги тараққиётимиз учун катта замин яратади

Бугун ёшларнинг аксарияти ахборот технологиялари соҳасида, яъни IT йўналишида ишлашни хоҳлайди. Бунга бир нечта омилларни сабаб сифатида келтириш мумкин. Масалан, аввало, ушбу касб эгаларига талаб ҳам, улар топадиган даромад ҳам юқори. Имкониятлари кенг, макон ва масофа

танламайди. Яъни профессионал IT мутахассиси ҳар куни ишхонага қатнаши шарт эмас. Аксинча, бориш-келиш учун сарфланадиган вақтини ўзининг изланишларига сарфлай олади. Унда вақтдан унумли фойдаланиш имкони бор.

▶ Давоми 5-бетда



### ЯНГИ ДАВР РУҲИ



## ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

Навий кон-металлургия комбинатининг жаҳондаги олтин ишлаб чиқарувчи йирик компаниялар билан рақобатбардошлигини ошириб, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга хизмат қилмоқда

Давр шиддат билан ўзгармоқда. Кўплаб соҳаларда тараққиёт шу қадар тезлашиб кетмоқдаки, ундан ортада қолмаслик учун нима қилиш керак, деган саволга жавоб топишни замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Жаҳондаги қимматбаҳо металлургия ишлаб чиқарувчи йирик компаниялар бозорда ўз ўрнини мустақамлаш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, инновацион технологиялар ва бошқарувнинг янги тизимларини жорий этиш бўйича кўплаб чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Содда қилиб айтганда, соҳада кескин рақобат кучайиб борапти.

▶ Давоми 4-бетда

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Фан ва технологиялар тараққиёти юксак чўққига чиққан бугунги даврда кўплаб экотизимлар захираси тугаб бораётгани, иқлим ўзгариши, чўлланиш каби экологик муаммолар кучаяётгани эртанги тараққиётга жиддий раҳна солмоқда. Шу боис, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдан оқилана фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал этиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифага айланди.

ва 6 миллион евро қийматидаги маблағ сарфланиши мўлжалланган 71 банддан иборат чора-тадбирлар ҳамда 65 та устувор инновацион лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги 30 йилда Оролнинг қуриган тубида қарийб 400 минг гектарда ўрмонзор ташкил этилган бўлса, 2018 йилнинг декабрь ойидан айни вақтга қадар 1,7 миллион гектардан ортиқ майдонга саксовул, черкес каби шўр ва қуроқчиликка чидамли ўсимлик уруғлари сепилди, кўчатлари экилди.

Шунингдек, минтақамизда сув ресурслари тақчиллигининг олдини олиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2021 йилда 433 минг гектардан ортиқ майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилиб, сўнгги беш йилда бундай технологиялар жорий этилган майдон 642 минг гектарга етказилди. Бу орқали биргина 2021 йилда 2,3 миллиард куб метрдан ортиқ сув ресурслари тежалди. Мамлакатимиз аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш давлат сиёсати даражасига олиб чиқиши натижасида сўнгги беш йилда 6,5 миллион аҳоли илк бор марказлашган тоза ичимлик сув билан таъминланиб, аҳолининг марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 70 фоизга етказилди. 2026 йилга қадар бу кўрсаткичи 87 фоизга етказиш белгиланган.

Бўлар ҳали ҳаммаси эмас. Мамлакатимизда "ашилл иқтисодиёт"га ўтиш бўйича ҳам муҳим қадамлар ташланди. Масалан, 2026 йилга бориб, қуёш ва шамол электр станцияларининг умумий қувватини 8000 МВтга етказиш орқали қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш салмоғини 25 фоизга етказиш мақсад қилинган. Бунинг натижасида йилга 7 миллиард куб метрдан ортиқ табиий газни тежаш, атмосферага 12 миллион тоннадан зиёд иссиқхона газлари чиқишининг олдини олиш мумкин.

Кейинги йилларда бу борада бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, Кармана туманида ишга

туширилган 100 мегаватт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ҳар йили 80 миллион куб метр табиий газ тежаллишига, атмосферага 160 минг тонна иссиқхона газлари чиқишининг олди олинишига хизмат қилмоқда.

Яқиндагина Нуробод туманида худди шундай қуёш станциясининг ишга туширилиши, Қорақалпоғистон Республикасида шамол электр станциясининг барпо этиш борасидаги ишлар бошлаб юборилгани бу йўналишдаги хайрли ишлар ортага қайтмас тус олганини тасдиқлайди.

Айтиш жоизки, сўнгги беш йилда атроф-муҳит мониторингинг ҳамда соҳада парламент ва жамоатчилик назорати институтининг натижадорлиги сабабли атмосферага ташланаётган ташланмалар миқдори 11 фоизга камайди.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда кенг қўламада амалга оширилаётган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида кейинги беш йилда 1 миллиард дарахт ва бута кўчатларининг экилиши ҳам глобал муаммоларга, иқлим ўзгаришларига миллий ечим бўлади.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда бу масалаларга яна бир қарар эътибор қаратиб, инсоннинг камол топиши, фаровон ҳаёт кечиришида қулай ва хавфсиз атроф-муҳит, экологийнинг аҳамияти бекиёс эканини, шу боис, Конституцияда ушбу йўналишга доир экологик-ҳуқуқий нормалар ўз ифодасини топиши лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди. Шу нуктаи назардан, Конституциямизга экология қайта киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар, биринчи навбатда, мазкур соҳада амалга оширилаётган ишловларнинг асосий қонунимизда акс эттирилиши билан она табиатиимизни асраш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Хусусан, Конституциявий қонун лойиҳасининг IX боби номланишига

экологик ҳуқуқларнинг киритилиши, 40-моддада бир қатор экологик ҳуқуқларнинг белгиланиши аниқ мудоао бўлди. Яъни ушбу моддада давлат барқарор ривожланиш принциплари мувофиқ атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва химоя қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини химоя қилиш ва тиклаш, уни ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш бўйича зарур чоралар кўриши назарда тутилган мамлакатимизнинг экологик барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шунинг баробарида, ҳар ким соғлом ва қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати ҳақидаги ҳаққоний ахборотга эга бўлиши, ўз соғлиғи ёки мол-мулкига экологик ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланиши бўйича киритилаётган қўшимчалар атроф-муҳитга таъсири кучли бўлган субъектларнинг ҳамда мансабдор шахсларнинг табиат химояси учун масъулиятини оширади.

Қонун лойиҳасининг 55-моддасида ер, ер ости бойликлари, сув, атмосфера хавоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилана фойдаланилиши лозим ва улар давлат мулкида бўлади. Ер қонунда назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда ҳусулий мулк ҳам бўлиши мумкин. Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар, ўрмон фонди давлатга тегишли бўлиб, тадбиркорлик субъектларига ижара шартномалари асосида ажратилади. Табиий ресурслардан оқилана фойдаланилиши лозим ва улар давлат томонидан муҳофаза қилинади, деб мустақамлаб қўйилмоқда. Бу эса инсонларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, табиатга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига нисбатан нотўғри муносабатда бўлишга чек қўйиш, табиат инъомлари, бойликларини, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, улардан оқилана фойдаланиш барчамизнинг асосий бурчимиздир. Бу борада Бош қонунимизга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар инсон кадрини, халқ манфаатини, барқарор жамиятни ва бардовом тараққиётни таъминлашга хизмат қилиши муқаррар.

## МУНОСАБАТ

Сув ҳар қандай давлатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини белгилаб берувчи муҳим стратегик ресурс ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг деярли 40 фоизи ана шу бебаҳо ресурсни тақчиллигидан азият чекади. Глобал тус олган бу муаммони ҳал этиш ёки ҳеч бўлмаганда унинг салбий оқибатларини юмшатиш дунё мамлакатларидан тезкор чора-тадбирлар кўришни талаб этади.

ҲАР БИР ХОНАДОНГА  
ИЧИМЛИК СУВ ЕТИБ БОРАДИ

Соҳиб САИФНАЗАРОВ,  
"Ўзсувтаъминот"  
АЖ бошқаруви раиси

Мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда аҳолининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш, уларни оқова сув хизматлари билан қамраб олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётган. Ана шу эътибор, соҳада олиб борилаётган кенг қўламли ишловлар натижасида ичимлик сув таъминоти мавжуд бўлмаган олис қишлоқлар, маҳалла ва овулларда яшаётган юрtdошларимиз ҳам обихаётдан баҳраманд бўлмоқда. Рақамларга юзланган бўлсак, 2017–2022 йилларда 6,5 миллион аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланди, 4 миллиондан зиёд юрtdошимизнинг сув таъминоти яхшиланди. Ҳозирда ичимлик сув ҳали етиб бормаган худудларни ҳам сув билан таъминлаш мақсадида юртимизнинг барча худудларида янги лойиҳалар, дастурлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз шу йил 22 июль куни юртимизнинг Сурхондарё, Наманган ва Тошкент вилоятларида ичимлик сув таъминотини яхшилашга қаратилган лойиҳалар тақдими билан танишди. Бугунги кунда Чуст, Поп, Наманган ва Музработда ичимлик сув таъминоти 50 фоиз бўлиб, бу қолган туманларга нисбатан оғир ҳисобланади. Мавжуд тармоқлар ҳам эскирган. Сув қаттиқлиги 1,5 баравар ошгани учун ошқоничак ва урологик касалликлар кўпайган.

Янгиёул, Ангрэн, Чирчиқ, Олмалик ва Бекобод шаҳарларида оқова сув қамрови 60 фоизга ҳам бормади. Бу кўрсаткич Чуст ва Чиноз туманларида 3 фоиз бўлса, Мингбулоқда умуман йўқ. Ваҳоланки, охириги йилларда ушбу туман ва шаҳарларда кўплаб уй-жойлар қурилиб, аҳоли сони янада ошган.

Давлатимиз раҳбарига тақдим этилган лойиҳалар Сурхондарё вилоятининг Музработ тумани, Наманган вилоятининг 4 та тумани, Тошкент вилоятининг 7 та шаҳар ва туманини қамраб олади. Улар доирасида 660 километр ичимлик ва оқова сув тармоғи, 4 та сув олиш, 7 та сув тозалаш, 12 та оқова сув станцияси барпо этилади. Натижада жами 1 миллион 200 минг нафар аҳоли, жумладан, 590 минг нафар аҳоли илк бора ичимлик ва оқова сув билан таъминланиб, 595 минг нафарининг сув таъминоти яхшиланади.

Тақдимот чоғида давлатимиз раҳбари тушумлар масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Дарҳақиқат, мазкур масала бугунги кунда соҳанинг энг орқил нукталаридан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда ичимлик сувининг нархи нисбатан арзонлиги, истеъмолчилар орасида фойдаланилган ичимлик сув учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш зарурлиги бўйича кенг қўламли тарғибот ишлари олиб борилаётганига қарамадан, республика бўйича дебитор қардорлик кун сайин ортиб бормоқда. Аниқроқ айтганда бўлса, ҳозирда истеъмолчиларнинг қардорлиги 1,2 триллион сўмни ташкил этмоқда. Бу борада вазият, айниқса, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Андижон вилоятларида оғир. Ҳозир истеъмолчилар тўлов қилиш учун аввалгидек сув таъминоти корхонаси ёки банкларга боришига зарурат йўқ. Яъни тўловларни

"Шахсий кабинет" хизмати, электрон тўлов тизимлари, тижорат банкларининг мобил иловалари орқали амалга ошириш имконияти яратилган. Олдимизда турган асосий вазифа эса ана шу қўлайликларни аҳоли орасида янада кенг тарғиб қилиш, тушумларни таъсирчан механизмларни қўллаш асосида таъминлашдир. Тақдиротда бу борадаги ишларни "маҳаллабай" тизими асосида амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз тизимни рақамлаштириш ва сув йўқотишларини камайтириш бўйича ҳам зарур топшириқлар берди. Бу икки масала бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, соҳани рақамлаштириш орқали замонавий технологияларни жорий қилиш сув йўқотишларини камайтиришнинг энг асосий омил ҳисобланади. Ҳозирда жойлардаги бир қатор сув таъминоти объектларида SCADA ахборот йиғиш ва диспетчерлик назорат тизими, геоахборот ва янги биллинг тизимлари жорий қилинди. Соҳани рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш мақсадида бир қатор хорижий ташиқлотлар, компаниялар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Жумладан, шу йилнинг апрель ойида "Ўзсувтаъминот" АЖ АҚШнинг "Nobel Systems" компанияси билан Жиззах вилоятининг Жиззах ва Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳарларида сув ресурсларини "ақлли" бошқариш тизимини жорий этиш юзасидан тажриба лойиҳасини амалга ошириш бўйича келишув имзоланди. Ушга қура, ушбу шаҳарларда булутли геоахборот тизими, сув сизиб чиқиш нукталарини тезкорлик билан аниқлаш ва сув йўқотишларини камайтириш мақсадида IoT (Internet of Things) датчикларини жорий қилиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, соҳани модернизация қилиш доирасида қуёш энергияси, қувурларнинг ичини торқетлаш орқали эскирган тармоқларни реконструкция қилиш, частотали ўзгартрувчилар ўрнатилган энергиятежамкор насослар, сув тозалаш иншоотларида цеолитдан тайёрланган филтёрлаш материаллари, сувни юпка қатламли тиндириш технологиялари қўлланилмоқда.

Шунингдек, соҳани рақамлаштириш орқали аҳолининг тўлов интизоми ва маданиятини ошириш, тўловлар шаффофлигини таъминлаш ҳисобига коррупция ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 70 дан ортиқ шаҳар ва туманларда тўловларни назоратчилар томонидан қабул қилиш амалиёти тўхтатилиб, жараёнлар электрон шаклга ўтказилган.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган тарихий ишловлар, барча саъй-ҳаракатларимиз инсон қадрини улғушлашга қаратилган экан, тирикчилигимиз манбаи — сув таъминотини яхшилашдан туриб ушбу эзгу мақсадга эришиш қўйин. Шунинг учун ҳам юртимизда бу масала шахсан Президентимизнинг назоратида, олиб борилаётган ишлар қўлами эса жуда кенг. Эътиборли жиҳати, юрtdошларимизни ичимлик сув билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар қўлами йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ташиқлотимиз томонидан 2022–2026 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда 40 минг километрдан ортиқ сув тармоқлари ҳамда 3,5 мингдан зиёд сув таъминоти ва оқова сув объектларининг қурилиши кўзда тутилган.

Бунинг натижасида 2026 йилга бориб аҳолининг марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 87,1 фоизга, марказлашган оқова сув хизматлари билан қамраб олинганлик кўрсаткичи эса 35 фоизга етказилади.

## СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

## "АҚЛЛИ" ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ

## Оролбўйидаги сув ва tupроқни интерактив таҳлил қилиш имконини беради

Бир пайтлар тўлиб-тошган Орол денгизи бугун деярли чўлга айланди. Лекин бу унда ҳаёт тугади, дегани эмас. Оролни сув билан тўлдириш қийин масала. Аммо унга яна қайта ҳаёт бахш этишнинг турли йўллари бор. Масалан, у ерга дарахт экиш, атрофдаги ерларни ҳосилдор майдонларга айлантириб, деҳқончилик қилиш ва ҳоказо. Бироқ чўл жойларга бориб, tupроқ таркибига чўлланиш миқдорини, ер ости сувларини қандай маҳсулотлар унишини таҳлил қилиш осон эмас.

технологиясидан самарали фойдаланилди. Бир сўз билан айтганда, tupроқнинг шамол эрозияси, об-хаво ва иқлим шароити, аэрозол зарраларининг физик-механик хоссалари ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда Орол минтақаси атмосферасининг экологик ҳолатини кузатиш ва баҳорат қилиш модели ишлаб чиқилди. Барча маълумот ва ҳисоб-китоблар асосида яратилган дастурий таъминотнинг tupроқ эрозиясини ҳисобга олган ҳолда атмосферада зарарли моддалар тарқалишини баҳорат қилиши учун ҳисоблаш тажрибаси ўтказилди ва мониторинг учун ишлатилган датчиклар рўйхати ва хусусиятлари таҳлил қилиниб, ўрнатилди.

Ерга уруғ қадаб, ундан ҳосил олиш бир қарашда осондек туюлади. Лекин ҳосилдорлик ва шўрланиш даражаси номаълум ерларни экин майдонларига айлантириш — жуда нозик ва баҳсли масала. Ернинг имкониятларига қараб экин турини танлашда адашиш деҳқонга қимматга тушиши тайин. Шундан келиб чиқиб, "ақлли" дастурий таъминот деҳқон ва фермерларга ердан самарали фойдаланиш, аниқроқ айтганда бўлса, ернинг шўрланганлик даражаси, сизот сувларининг санхига қараб қайси ерга қандай қишлоқ ҳўжалиги экинларини экиш кераклиги тўғрисида маълумотлар бера олади.

— Лойиҳа Қорақалпоғистон сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги

Энди олим ва тадқиқотчиларга сунъий интеллект технологиясига асосланган дастурий таъминот ёрдам беради. М.В.Келдиш номидаги Россия Фанлар академияси Амалий математика институти, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг Нукус филиали олимлари томонидан ўзаро ҳамкорликда амалиётга татбиқ этилаётган ушбу лойиҳа "Оролбўйи қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида экологик вазиятлар таъсирини аниқлаш, мониторингини юртишининг дастурий таъминоти" деб номланади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 2 миллиард сўм миқдорида молиялаштирилган ушбу лойиҳанинг асосий мақсади, Оролбўйидаги сув ва tupроқни интерактив таҳлил қилиш, шунингдек, сувдаги зарарли моддалар тарқалишини шаробга олган ҳолда атроф-муҳитни ҳисобга олиш мониторинг қилиш учун алгоритм ва дастурий таъминот ишлаб чиқишдан иборат.

## Лойиҳа доирасида қандай ишлар бажарилди?

— Аввало, Оролбўйида қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришда атроф-муҳит шароитининг таъсирини таҳлил қилиш, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини оптималлаштириш масалаларини ечишининг математик моделларини ишлаб чиқиш, алгоритмик ва бошқарув қарор қабул қилиш усуллариин илмий жиҳатдан асослашди, — дейди лойиҳа раҳбари, техника фанлари доктори, профессор Анвар Қобулов. — Сўнгра tupроқ ва сувни интерактив таҳлил қилиш усул ва воситалари ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришига атроф-муҳит омилларининг таъсирини аниқлаш моделлари ва мониторинг алгоритмларини ишлаб чиқдик. Илмий-техникавий маълумотни яратиш, хусусан, математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва уларнинг дастурий таъминотини жорий қилишда замонавий суперкомпьютерли ҳисоблаш

Мелиоратив экспедициясида қўлалиб келинмоқда, — дейди Анвар Қобулов. — Ҳозирги кунда экспедицияга қарашли сув қудуқларидан олинган маълумотлар онлайн тарзда IoT технологиялари асосида серверларга узатиляпти. Бу, ишчи кучи ва транспорт харажатларини максимал даражада тежаш имконини бермоқда.

Ҳа, бугун барча соҳа сингари қишлоқ ҳўжалиги йўналиши ҳам рақамлашмоқда. Деҳқону фермерлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини олиб кириш осон бўлмади, албатта. Бунинг учун, аввало, улкан маълумотлар базаси шакллантирилиши керак. Ана ундан кейин сунъий интеллектдан биз таҳлил, тахмин ва ечимни кута оламиз.

Бу йўлда изланиш олиб бораётган олимларнинг келажақдаги мақсади талайгина. Хусусан, олинган натижалар асосида Орол минтақаси мисолида IoT қурilmалари томонидан ишлаб чиқарилган экологик маълумотлар оқимларини қайта ишлаш ва химоя қилишнинг интеллектуал усуллари ва технологиялари, гидрогеологик-мелиоратив шароитларнинг ўзгаришини замонавий геоахборот технологиялари асосида тадқиқ қилишга астойдил киришилган. Шунингдек, Оролбўйи ўқув полигонлари биологик ҳолатини мониторинг қилиш тизими дастурий-техник таъминоти мавзуларида ҳам илмий изланишлар олиб бормоқда. Уйлаймизки, бу ташаббус ва ҳаракатлар давомли ва самарали бўлади.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,  
"Янги Ўзбекистон" муҳбири



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИГА

**“ТЕМИР ДАФТАР”, “АЁЛЛАР ДАФТАРИ”, “ЁШЛАР ДАФТАРИ” И ХАЛҚИМИЗ ОРАСИДА ОҚИБАТ, МЕХР, ИШОНЧ ДАФТАРИ ДЕГАН НОМЛАР БИЛАН МАШХУР БЎЛИБ КЕТДИ. БУ “ДАФТАРЛАР” БИЗНИ АНИҚ МАНЗИЛЛИ, АДОЛАТЛИ ЙЎНАЛТИРИЛГАН, ХИСОБ-КИТОБЛИ ИШЛАШГА ЎРГАТДИ.**

# ШУКРОНА БИЛАН ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ЕТАЙЛИК



**Январ ИНОЯТОВ,**  
Қашқадарё вилояти ҳоқими  
маслаҳатчиси, Ўзбекистон  
Республикасида хизмат кўрсатган  
қишлоқ хўжалиги ходими

Бошланиши 1-бетда

Одамларни боқадиган шу пахта, аммо одамларнинг пахта деса юраги безиллайдиган бўлди. Эсла-сам, ҳозир юрагим орқага тортиб кетади. Биз шунга ўрганиб қолган, яъни пахтага мажбурий меҳнат, болалар меҳнати орқали йиғиб-териб олишга кўнликкан эдик.

Бугун эса ўзига боғлиқ бўлмаган ишлар билан шуғулланиб юрган ижтимоий соҳа ходимларининг ташвишлари ариб, юзи ёруғ буладиган кунлар келди. Даладаги юмушлардан, кўча-кўйдаги қора меҳнатдан озод этилди.

Мамлакат ривожига кескин бурилиш ясаб, янги-чи иш услуби, янги-ча қараш, жасорат, донишмандлик билан Шавкат Мирзиёев халқимизнинг чекидаги бу кўланкани бартараф этди. Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга барҳам берилгани ҳақида жаҳонга овоза қилинди. Энди ўқитувчилар, шифокорлар ортиқча юмушлардан холи бўлиб, таълим сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳаси истиқболи учун қайғурмоқда. Узоқ ўзини воқеаларини, биз ишлаган давларни қиёс-сал қилишда бир шукроналик келди, хотиржам ишлайдиган, меҳнат қилиб роҳат кўрадиган кунлар келди. Юртада инсон кадр-қиймати юксалди.

Кунчи кеча Президентимиз “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамга тайёргарлик қўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш, юртимизни ҳар томонлама эркин, обод ва фаровон мамлакатга айлантиришдаги улкан аҳамият ва моҳиятини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигини муносиб кутиб олиш ва ушбу кутлуғ санани юксак даражада нишонлаш мақсадида вазифалар белгиланди. Байрамимизнинг бу йил “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” деган бош ғояни ўзига муқассам этган тadbирлар билан ўтишида ҳам катта маъно бор.

### “Ох, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!..”

Бир томчи сувда кўёш акс этганидек, шундай кунлар бўладики, улар моҳиятига кўра ойлار, йилларга тенглашади, миллат, жамяят, бутун бир мамлакат, неча-неча авлодлар тақдирини, бахтли ҳаёт йўлини белгилаб беради. 1991 йилнинг 31 августи тарихимиз соломонасида худди шундай мўътабар кун сифатида муҳрланган қолди — шу санадан эътиборан Ватанимиз мустақил бўлди.

Истиқлол йилларида кўп миллатли Ўзбекистон халқи ўзининг буюк саложияти, мустақил иродаси ва матонатини намоян этди, оғир синов ва машаққатларни мардона ениб, катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Юртимиз илгариги иқтисодий ётиқлик билан томонлама шаклланган, қолоқ республикадан барча соҳаларда жадал ривожланган, фуқароларнинг ҳаёт даражаси, сиёсий-ижтимоий фаоллиги, онгу тафаккури тобора юксалиб, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида узоқ-яқиндаги барча мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини кенг миқёсда олиб бораётган замонавий, оқил ва демократик давлатга айланди. Энди ислохотлар Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида давом этмоқда.

Сўнги 5 йилда Қашқадарёда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 1 миллион 122 минг квадрат метр майдонга эга 12 минг 171 та хонадонга мўлжалланган 358 та кўп қаватли уй-жой қурилиш фойдаланишга топширилди. Вилоятда бир оилга ўртача 4,2 киши туғри келмоқда. Бу, ўз навбатида, 51 минг 118 киши ўз уй-жойига эга бўлганини аниқлатади. Уй-жойларнинг барчаси 192,87 километр ичимлик сув, 114,96 километр ички йўл, 144,16 километр электр ҳамда 59,4 километр газ тармоқлари билан таъминлангани кичик кўрсаткичлар эмас, албатта.

Бир пайтлар болаларнинг боғчага қамрови ҳақида гап очилса, қўлимизни букиб, бармоқ билан санашга тушардик, бехосдан юзимиз қизариб кетардик. Кўрсаткич паст бўлган, 2017 йилда 326 та боғча фаолият қўриган. Бунга қелиб бу рақам сажиз қарар ортди. 2017 йил 1 январь ҳолатида вилоятда болаларни қамраб олиш даражаси 13,3 фоиз бўлган. Охириги беш йилда мамлакатда жорий қилинган янгилик ва имтиёزلардан фойдаланган ҳолда мактабгача таълим ташкилотлар сони 2 795 тага етказилди. Жумладан, 84 та давлат ҳамда

147 та давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилоти янгидан бунёд қилинган бўлса, 2238 та оилавий мактабгача таълим ташкилоти ишга туширилди. Натижада бугунги кунда вилоятда болаларни қамраб олиш даражаси 53,4 фоизга етказилди. Таълим сифатини таъминлаш масаласи ҳаммасидан муҳим. Боғча ёшидаги фарзандларимиз бир эмас, бир неча тилда бийрон сўзлаётди. Турли танловларда иштирок этиб, ота-онасини, мураббийларини мамнун этмоқда.

Президентимизнинг ёшлар кўни муносабати билан мамлакатимиз ўғил-қизларига йўллаган табиригини, берилган имтиёзларни эшитиб, шоирнинг ўткир даввати тилимга кўчди: Ох, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!

Давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишларида албатта, ёшларга қарата: “**Ҳеч қачон унутманг, сизлар инсон ҳар томонлама эркин, озод ва фаровон яшайдиган Янги Ўзбекистон, янги Ренессанс бунёдкорисизлар, дея таъкидлашларидая ишонч, гурур ва гамхўрликни ҳис қилади**”, дея даъват қилади.

Аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этадиган юртимизда қайсики жабҳани олманг, албатта, қувноқ ва шижоатли ўғил-қизларнинг овозини эшитасиз. Фидойи ёш раҳбарларнинг мамлакат бошқарув тузилмаларига келиши чинакамга янги-ча руҳ, янги-ча нафас олиб кирмоқда. Айниқса, ёш, креатив фикрлайдиган тadbиркорларнинг виллоят иқтисодий ривожини таъминлашдаги ҳиссасини алоҳида таъкидлаш зарур. Янгиликка интилиш ва уни ўз вақтида жорий этиш ёшлик фаслининг гўзал иши, асл мақсадирид. Ўғил-қизларимиз янги стартап лойиҳаларни амалга ошириши учун биргина 2022 йилнинг шу даврига қадар Қашқадарёда **2 787 ёшга 76 миллиард 213 миллион сўм** кредит ажратилди. “Ёшлар дафтари”га киритилган **12 691 ёшнинг 7 565 нафари** бандлиги таъминланди. Мамлакатимиз ёшлар ўртасида ташкил этилаётган турли танлов ва мусобақаларда иштирок этиб, совриндорлар қаторидан жой олаётган қашқадарёлик иқтидор соҳиблари ҳақида эшитиб, мамнун бўламан. Республика миқёсида ўтказилган “Ёшлар овози” танловида яққабоглиқ Озод Муродов, қосонлик Хўжаназар Жуманазаров опера йўналишида, деҳқонobodлик Жамшид Шоқуллов, Оғабек Улашов бахшичилик йўналишида, ғузорлик Орзубек Баратов стол теннис мусобақаларида голиблар сафидан ўрин олган бўлса, Қосон тумани Пахтазор маҳалласи ёшлари жамоаси “Беш ташаббус” доирасида маҳаллалар жамоалари ўртасида бўлиб ўтган “Заковат” турнирида иштирок этиб, республикада биринчи ўринни кўлга киритди. Ҳа, ёшларнинг қалбида буюк алоاملар, уламолар, насафдилар, кешиилар, қасбавийлар ва паздавийлар, қосонликларга бешик бўлган, Амир Темурни улғайтирган, қарҳоман шoir Абдулла Ориповга илҳом берган бу диверга ва унинг меҳнат-севар халқига муносиб бўлиш аҳди бор.

### Ҳақиқат экиб, қадр топган одамлар

Биргина қишлоқ хўжалиги соҳасини олайлик. Нималар ўзгарди? Аввало, бу соҳа тубдан қайта қурилди. Илгариги ишлаб чиқариш самарадорлиги паст, харажатлари баянд, норентабел, сурункали қарзга ботиб ётадиган қолхоз ва совхозлар ўрнида фермер хўжалиқлари ташкил этилди. Деҳқонда ерга эгалик ҳисси уйғонди. Унинг меҳнатга, ерга, ўзига муносабати, иш юритиш усуллари тубдан янгиланди.

“Авесто”да қайд этилишича, кимки ғалла экса, ҳақиқатни эқади. Ғалла омбори тўла уйга девлар яқин келолмас экан. Бу ҳикमत йиллар давомида ғалла мустақиллигига эришиш йўлидаги азму шижоатимизда ўз аксини топди. Ўз донимиз, ўз но-нимизга эга бўлдик. Биргина жорий йил хирмони билан боғлиқ рақамларга эътибор қилинг: вилоятда 26 та ғалла-чўли кластери ташкил қилиниб, 140 минг гектар сувли майдонга 6 600 та фермер хўжалиги билан фьючерс шартнома асосида бо-шоқли дон ҳосили етиштирилди. 337 минг тонна дон топширилиб, белгиланган режа ошириб бажарилди. 2022 йил виллоятда турли соҳаларга иқтисослашган **12 899** та фермер хўжалиги фаолият қўришмоқда. Энди олдингидек фақат марказ мафзаатларини кўзлаган ҳолда асосий майдонларда пахта эмас, халқ учун, унинг фаровон турмуши учун зарур бўлган ғалла, мева-сабзавот, картошка, полиз экинлари етиштиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳа, бугуннинг фермери — ишбилармон, замоннинг илгор кишиси. Деҳқони қадр топган юртинг тўкин ҳаёти, фаровон турмушига ҳавас қилса арзийди.

Илгари деҳқоннинг қосаи оқарганини эшитмаганмиз-да. Йўқдан бор қилса, ишбилармонлик қобилиятини рўёбга чиқарса, ўғри, муттаҳам сифатида қаматиб юборилган. Бир қарашда ақлборар қилмайдиган бунга, бирок халқимиз шу кунларни ҳам бошдан кечирди.

Мен “пахта иши” деган беъэмни тавқи лаянати остида деҳқонларимизга қилинган тўхматлар ва улдар келтирган мислсиз захматларга ўз кўзим билан гувоҳ бўлганман. Минг афсус, далада йил — ўн икки ой машаққат билан меҳнат қилган деҳқон роҳат қўриш ўрнига асосиз даъволар билан панжара ор-тида азоб кўрди, сандиғидеги қизининг селига атаган мулкигача тортиб олинди.

Шу боис, бугун жаранглаётган “Инсон қадрини учун” деган улғувор даъват қўлқаримга ўзгача, ёқимли эшитилади. Биз нурунийлар шу сабаб, айниқса, ёшлар жам бўлган давраларда ориқли бўлса-да, ўша кечаги кун сабоқлардан сўз очаверимиз. Бу кунлар “ойдан, кўздан ташмаган”и кўлоқларига, онгу шуурига сенибг кетишини истиъмиз...

### Ҳар бир ҳудуд — чексиз имкониятлар манзили

Қашқадарё виллоятининг ҳар бир ҳудуди ўзига хослиги билан ажралиб туради. Деҳқончилик, чорвачилик, хунармандлик, иморатсозлик, қўйингки, барча жабҳалардаги омилкорлиги имкониятлардан унумли фойдаланиши истиқлол тўғрисида сайқал топди.

Кеча бу ҳудудлар қандай эди? Бир хил — пахтадан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Яқкам-дуккам учрайдиган савдо дўконларида ҳам кирсовуну гуғуртдан, резина этикдан бошқаси топилмади. Муддатга ўтган, уваланиб кетган печеньеларни ҳам одамлар олишарди. Бошқа илож йўқ эди. Танлов бўлмагач, наҳора, кўншага мажбур эдик.

Бугун ҳаммаси ўзгарди. Чекка қишлоқларда ҳам замонавий савдо мажмуалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари қад ростлади.

Бундан 30 йил бурун Қашқадарёда катта-кичигини қўшиб ҳисобласа, атиги юзга яқин саноат корхонаси бўларди. Бугун эса уларнинг сони 3 миңдан ошиб кетди. Биргина “Uzbekistan GTL” заводи илгига 3,6 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш орқали 307,3 минг тонна авиакеросин, 724,6 минг тонна дизель ёнлиғи, 437,3 минг тонна нафта, 53,4 минг тонна суолтирилган газ жами 1 522,6 минг тонна синтетик суоқ ёқилги маҳсулотлари) ишлаб чиқариш мақсадларини кўзда тутди. Энг муҳими, бу ерда 808 та янги иш ўрни яратилди. Шунинг ўзиёқ саноат салоҳиятимизни кўрсатиб турибди. Ёлпай, деб ёқа ушлашга киши, шундай улкан корхоналардаги улкан технология жараёнлари набира-ларимиз тенги ёшлар бошқараётганини кўриб ҳам ақлинг шошади, ҳам завқинг, гуғуринг ошади...

Тadbиркорликдан сўз кетганда, биргина мисол айтмай. Қарши шаҳридаги “Anzur natural food”



хусусий корхонаси раҳбари Ансур Нормуродов — янги давр талаб ва имкониятларини яхши англаб етган тиниб-тинчимас ишбилармонлар вакили. Унинг Яққабогарда мевани қайта ишлаш корхонасида воҳамиз офтобиде, ҳоржга пишган сархил меваларимиз қайта ишланиб, фаржга экспорт қилинмоқда. — дейди у. — Олма, ўрик, гилос ва узум етиштир-моқдамиз. Боғ учун мулжалланган кўчатлар, том-чилад сўғориш ускуналарини Туркиядан келтирдик. Франциядан малакали агрономларни ишга чақир-дик. Шунингдек, 5000 тонна маҳсулот сақлашга мўлжалланган музлаткичи омборхона қуриб, ишга туширдик. Шок усулида тезкор музлатиш орқали жонжаҳон Ўзбекистонимиз офтобиде пишган, дар-мондориларга бой мева ва сабзавотларни янги узилгандек экспорт қилиш имконига эга бўлдик. Россияга 1 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилишга эришдик. Шунингдек, Яққабог туманидаги қишлоқлардан 600 нафарга яқин ёш ва хотин-қиз иш билан таъминланди. Яқинда мева ва сабзавот-лардан табиий поре ишлаб чиқаришни йўлга қўйд-дик. Йил охиригача германиялик ҳамкорлар билан маҳсус қадокларда табиий анор шарбати етказиб бериш бўйича 1,5 миллион долларлик шартнома имзолаганимиз. Россияликлар билан эса поре экс-порти бўйича 1,2 миллион долларлик шартномага эгамиз.

### Рўзғори бут эл

90-йилларнинг бошида Қарши туманида ҳар 25 кишига битта телевизор, ҳар 30 кишига битта музлаткич, ҳар 10-15 кишига бошқа машиий буюм-лар туғри келган. Бугун юртимизнинг бошқа ҳудуд-лариде элган каби туман аҳолисида ҳам бу буюм-ларнинг элг замонавийлари барча хонадонларда бор. Буниси майли, ҳозир ҳар бир хонадонда йўқ деганда битта автомобиль кўрасиз. Буларнинг бар-часи тўкин-сонинликнинг, аҳоли фаровонлиги ортиб бораётганининг ёттиги.

— Яқинда Кўдалада ўтказилган “Уч авлод уч-рашуви”да қатнашдик, — дейди меҳнат фахрийси Мустафо Темиров. — Кексаю ёшнинг юз-кўзида акс этган шукроналикка гувоҳ бўлдим. Янгиликлар-ни эшитиб, беҳад мамнун бўлдим. Биргина олис Шўрқудуқ қишлоғи ҳудудида 27 нафар йилгит-қиз нуфузли олий ўқув юртиларига ўқишга кирибди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, собиқ итти-фоқ даврида меъморликда бир хонадонда жон бо-шига туғри келадиган майдон бор-йўғи ўртача 6-7 квадрат метрдан ортиқ бўлмаслиги керак, деган чекловлар бор эди. Салгина ҳаммадорроқ иморат қурган одамларнинг таъкиб остига олингани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бугун-чи? Шаҳарни-ку қўятур-ринг, қишлоқларимизда тadbиркорлар, фермерлар кўримсиз паҳса иморатлар ўрнида икки-уч қават-ли, бир-бирдан чиройли уйлар қурапти. Бу бина-лар соҳибларининг турмуш фаровонлигига хизмат қилиш билан бир қаторда қишлоқларимиз кўр-кига кўрк кўшмоқда.

Ҳамқишлоқларимиз меҳнат қилиб, машаққат билан топган пулларини фақат дабдабали тўй ёки маросимларга эмас, тadbиркорликка, фарзандлари камолига, худудлари ободонлигига, ёрдамга муҳтож маҳалладошларига қўмак беришга йўналтиришни ҳам одат қилапти. Кечагина фақат қўйини, сигир-бу-зоғини кўпайтиришни ўйлаб, маънавият ва маъри-фатдан йироқлашиб қолган одамлар бугун боласи-нинг тил ўғириниши, замонавий илмларни эгаллаши учун жўқ куйдирапти. Унинг келажаги учун инвести-цияни аямаяпти.

Ўтган асрининг 80-йиллари адоғида автоулов етишмаслиги сабаб Қаршининг шундоқ биқинида жойлашган Бешкентга бориш учун айрим ҳоллар-да 10 сўмгача сарфланган. Солиштириш учун мис-сол: худди ўша йилларда кооперативларда яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи 120 дан зиёд кишининг бир ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ҳажми 35 минг сўми ташкил қилган. Энди юқоридаги 10 сўмининг баҳоси-ни ўйлаб кўринг. Одамлар шаҳарга бир тушиш учун бор-будини сарфлашга туғри келган.

Бугун барча туманлар марказини виллоят мар-кази билан боғлайдиган йўл равон, машиналар оқими бир зум бўлсин тўхтамайди. Аҳоли эҳтиёжларига

ёғиқ усулда мураккаб операцияни бажариш мум-кинлигини айтишди. Операция жуда зўр ўтди. Ҳозир юрагим мотордай ишлаб турибди.

Ҳа, қашқадарёликларнинг салгина хиддийроқ операция ёки муложа учун пойтахтга югуришлари энди ўтмишга айланмапти.

### Ишонч кўрғонлари

Бугун маҳалла тушунчаси мутлақо бошқача маз-мун-моҳият касб этмоқда. Тизимдаги ислохотлар натижасида бу тузилма бугун аҳолининг энг яқини-га, маслакдошига айланиб бормоқда.

— Маҳалланинг жамяятдаги нуфузи ортиб, халқ билан давлат ўртасидаги кўприкка айланди. Фуқаро-ларда унга нисбатан ишонч ортди. Бир маҳаллар фақат маълумотнома беришга ярайдиган ёки масъумий ишлардагина кўча оралайдиган тузилма бугун одамларнинг қувончу ташвиши, муаммосига ечим топадиган, дардини, тақлифини айтадиган, ташаббусини қўллаб-қувватлайдиган ноёб инсти-тутга — “ишонч кўрғони”га айланди. Бир маҳаллар ўтиришга стули, одамларни қабул қилишга жойи йўқ идораларнинг бугун замонавий гузари бор. “Ну-ронийлар қўйхонаси”, “Маънавият ва маърифат хоналари”, кўтувоналари бор ўз бисносига эга қуд-ратли тузилмага айланди. — дейди виллоят ҳоқими маслаҳатчиси Зиёда Аминова.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этил-ган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтар”и халқимиз орасида оқибат, меҳр, ишонч дафтари деган номлар билан машхур бўлиб кет-ди. Бу “дафтарлар” бизни аниқ манзилли, адолатли йўналтирилган, ҳисоб-китобли ишлашга ўргатди.

2022 йилнинг ўтган олти ойи ҳолатида виллоятда “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг 40 423 нафари (67,0%)га кўмаклашилди. Жумла-дан, ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз 25 547 на-фар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш бўйича ойма-ой режа ишлаб чиқилган бўлиб, 13 299 нафа-ри (52,1%) иш билан таъминланди.

Тadbиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёж-манд хотин-қизларга имтиёзли кредит ажратилди. Халқ банки, “Агробанк” ва “Микрокредитбанк” ҳамда виллоят хотин-қизлар тadbиркорлик маркази билан ҳамкорликда 2-тоифага киритилган хотин-қизларни тadbиркорлик кўникмалари бўйича ўқитиш ва имтиёз-ли кредит ажратиш ишларини сентябрь ойига қадар яқунлаш бўйича режа ишлаб чиқилган, кредит олувчи аёллар ўқитилиб, ҳужжатлари тайёрлаб қўйилди.

### Тинчликка, тотувликка нима етсин!

Яқинда журналист уқаларимиз гапириб бериш-ди. Қарши шаҳридаги “Ватанларвар” боғига “Меҳр” операцияси шарофати билан дунёнинг оловли юрт-ларидан Ватанга қайтарилган оилалар фарзанд-ларини масъуллар сайрга олиб чиқишган экан. Болажонлардан айримлари бу ерда ўзларнинг тенгдошларига заъв берадиган қарбий самолёт, вертолёт ва танкларни кўриб, у ёқдаги қўрқинчи манзараларни эслашганим, чинқириб йўлаб юбо-ришибди.

Эҳ, норасида болажонларим-а, деб юбордим беихтиёр, бу ерда ҳатто кўпгина катталарнинг етти ухлаб тушига кирмайди дашхатлар муракқ та-саввуринда муҳрланиб, нечоғлик азоб бераётган бўлса-я? Тинчликнинг, осойиштагининг қадрини мана шу гўдақчинчақлик англаймизми?!

Айтиш ўринли, айни пайтда Қашқадарё вилло-ятда турли миллатларнинг 223 миңдан зиёд вакили истикомат қилаётган бўлиб, улар жами аҳолининг 7 фоизини ташкил этади. Жумладан, тожик миллати-га мансуб 125 миңдан зиёд фуқаро асосан, Деҳқон-обод, Китоб, Шахрисабз, Ғузор ва Касби туманла-рида яшаса, 33 миңдан зиёд туркман Миршиқор ва Муборак туманлариде умргузаронлик қилмоқда. Рус миллатига мансуб 21 миңга яқин фуқаро асо-сан, Қарши шаҳри, Муборак, Шахрисабз, Ғузор туманларида, 11 миңдан ортиқ араб Миршиқор, Қосон, Муборак туманларида, 8 миңдан зиёд та-тар Қарши шаҳри, Шахрисабз, Чироқчи, Муборак туманларида ҳам кечирishaётди.

Худудда миллатлараро муносабатлар барқарор бўлиб, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро эҳдикат ҳолатлари қузатилмаган. 30 дан ортиқ мил-латга мансуб фуқаролар қариндош-уруғ, куда-анда бўлишиб, ҳамжиҳатликда тинч-тотув ҳаёт кечир-моқдалар.

Биргина мисол: воҳанинг жануби-ғарбида, Қарши шаҳридан эликки қақирим олисда Жейнов деб атал-ган шаҳарча бор. Бу еринг ақсарият аҳолиси этник араблар. Қаршидан Жейновга қараб кетавершида Денов ва Миршиқор қишлоқларида ўзбеклар, Фаз-ли ва Қамаш қишлоқларида этник тожиклар, Жей-новдан утандан сунг Чандир ва Помукча эса этник туркманлар яшайди. Бу аҳоли масканларининг бар-часида кишилар қон-қариндошлиқ ришталари бил-дан боғланиб кетган.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда виллоятда 5 та, яъни рус, татар-бошиқдор, туркман, тожик ва араб миллий-маданий марказлари фаолият қўрибг кел-моқда. Буларнинг барчаси тинчлик-осойиштаги-лимиз, албатта, мустақиллигимиз шарофатидан, у берган нёъматлар тўғрисида.

Муҳими, бугун бу олтин воҳада одамларнинг қайфияти, эртанги кунга ишончи зор. Мамлака-тимиздаги бунёдкорлик, ободонлаштириш, яра-тиш ишлари фақат аяшхилка, эзгуликка хизмат қилапти, инсон қадр-қимматини янада юқори поғонага кўтармоқда, элнинг дастурхонини тукин, турмуши фаровон, тилида ва дилида шукрона, тинчлик-осойишталикда умргузаронлик қилмоқда. Бундан ортиқ бағт бўлиши мумкинми?!



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news

## ЯНГИ ДАВР РУҲИ

## ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

Навоий кон-металлургия комбинатининг жаҳондаги олтин ишлаб чиқарувчи йирик компаниялар билан рақобатбардошлигини ошириб, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга хизмат қилмоқда

**Кувондиқ САНАҚУЛОВ,**  
“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси — Бош директори

Бошланиши 1-бетда

## ЯНГИЛАНАЁТГАН КОМБИНАТ

Янги Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўймоқда. Кейинги йиллардаги кенг қўламли ислохотлар бунинг ёрқин далилидир. Негаки, мамлакат ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган янгиликлар ва ўзгаришлар замирида иқтисодий ривожлантириш асосида халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш, одамларнинг ҳаётидан рози бўлишини таъминлашдек юксак мақсадлар мужассам. Бугунги давр, яъни дунёда бўлаётган ўзгаришлар, глобаллашув жараёнлари барчамиздан ҳар қандай кийинчиларга қарамай, олдимизга қўйилган масъулиятли вазифаларни ўз вақтида бажариш йўлида фидойиллик кўрсатишни тақозо этмоқда.

Навоий кон-металлургия комбинати замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган корхоналари, илмий салоҳияти юқори кадрларга эга йирик ишлаб чиқариш мажмуасидир. Шу билан бирга, унинг дунёдаги олтин ишлаб чиқарувчи йирик компаниялардан ажралиб турадиган жиҳати шундаки, комбинат қазилма бойликларни геологик қидириш, қазиб олиш, қайта ишлаб, рақобатбардош ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган технологик занжирга боғланган улкан саноат кластерига айланган. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган энг юқори проба олиш кўймалар Ўзбекистон бренди сифатида жаҳон қимматбаҳо металллар бозорига ўз ўрнига эга.

Комбинат ишлаб чиқариш қувватларини йил сайин ошириб бормоқда. Кейинги икки йилда замонавий технологияларга асосланган, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган 5 ва 7-тидриметаллургия заводлари ишга туширилди. Шунингдек, кон-металлургия соҳасида олтинни қайта ишлайдиган энг йирик корхона — мамлакатимиз фахри бўлган 2-тидриметаллургия заводида йилга 12 миллион тонна маъдани қайта ишлайдиган “Б” корпуси фойдаланишга топширилди. Натижада ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми ошиб, минглаб янги иш ўринлари яратилди. Албатта, бу ютуқлар ўзимизники. Аммо дунё бозоридagi кучли рақобат барчамиздан янгича фикрлаш ва ишлаш ҳамда бошқарувнинг замонавий тизимларига ўтишни талаб этмоқда.

## БОШҚАРУВНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

Мамлакатимизнинг барча соҳаларида бошланган ислохотлар кон-металлургия саноатининг энг йирик корхонаси бўлган мазкур комбинатда ҳам ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Уни янада ривожлантириш, замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш, рақобатбардошлигини

комбинат балансидаги қимматбаҳо металллар захираларини Австралиянинг JORC Code кодекси стандартлари талаблари асосида қайта баҳолаш ишлари олиб бориляпти ва ҳозирга келиб 90 фоиз захира янги мезонларга ўтказилди.

Мутахассисларимиз томонидан халқаро экспертлар ва етакчи консалтинг компаниялар билан ҳамкорликда замонавий усулларга мос равишда НКМКнинг тубдан янги корпоратив тузилмаси ишлаб чиқилди ва жорий қилинди. Худди шундай асосда акциядорлик жамияти кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида тажрибали мутахассислар раҳбарлик лавозимларига жалб қилинмоқда. Жумладан, молиявий, ресурслар ва трансформация бўйича директорлар, шунингдек, инсон ресурсларини ривожлантириш бўлими бошлиғи лавозимларига кон-металлургия саноати соҳасидаги етакчи компанияларда меҳнат қилган ходимлар танлаб олинди. Бу йўналишдаги ишлар комбинат фаолиятига оид очил маълумотлар расмий веб-сайтга жойлаштириб берилмоқда.

Акциядорлик жамиятида трансформация жараёни бўйича ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида қуйидаги устувор вазифалар белгиланган:

Биринчидан, комбинатнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун молиялаштириш манбаларини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, шу жумладан, халқаро молия институтларининг кредит маблағларини жалб қилиш бўйича етакчи хорижий банклар билан фаол музокаралар ўтказиш; иккинчидан, Буюк Британия компанияси билан ҳамкорликда харидлар ва бошқарув тизимларини аудитдан ўтказишни таъминлаш, харидлар соҳасида замонавий халқаро амалиёт тамойилларини жорий қилиш, илгор халқаро тажрибага асосланган мазкур тизимнинг концепциясини ишлаб чиқиш, унинг шаффоф режалаштирилишини таъминлаш, кенгайтирилган бошқарув ҳисобдорлигини шакллантириш;

учинчидан, комбинатда бизнес жараёнларни оптималлаштириш лойиҳаси доирасида “IC ERP: Холдингнинг бошқариш” бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни яритиш электрон тизимини тўлиқ жорий қилиш;

тўртинчидан, кадрлар сиёсатини янада такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш, ҳамкор компаниялар билан биргаликда фаолият йўналишлари бўйича самарадорлиқнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI) тизими ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги тизимини татиқ этиш;

бешинчидан, келгусида қўшимча молиявий маблағларни жалб қилиш мақсадида акциядорлик жамиятининг корпоратив еврооблигацияларини муомалага чиқариш ҳамда акцияларни бирламчи оммавий тақлиф (IPO) асосида жойлаштириш бўйича дастлабки тадбирларни амалга ошириш.

## ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР НИМАНИ КўРСАТМОҚДА?

Комбинатнинг акциядорлик жамияти сифатида иш бошлаганига ярим йил бўлганига қарамай, эришган натижаларимиз салмоқли. Жорий йилнинг



опти ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 29 триллион сўмини ташкил этиб, прогноз кўрсаткич 102,4 фоиз бажарилди. Усиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,4 фоиз бўлиши таъминланди. Маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар ижроси натижасида 500 миллиард сўмга яқин маблағ иқтисод қилиниб, таннарх 5,8 фоиз пасайтирилди ва бюджетга тўловлар сезиларли ошди.

Бундай натижаларга қандай эришилмоқда? Бу Президентимизнинг комбинатни замонавий корхонага айлантириш борасидаги катта эътибори ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилаётган янги техника ва технологияларнинг самараси, десак айни ҳақиқатдир.

Яна бир муҳим жиҳат, мамлакатимиздаги макроеқтисодий барқарорлик таъминланмоқда. Табиий ресурсларнинг улкан захираси ва малакали ишчи кучи мавжудлиги бунинг асосий омиллари ҳисобланади. Кейинги йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бошқа соҳалар каторида кон-металлургия корхоналарига ҳам йўналтирилмоқда. Чунки жаҳоннинг кўп қисми молиявий компаниялари бу соҳадаги кенг қўламли ўзгаришлар ва унинг ривожланиш истиқболларига ишонч билан қарамоқда. Бу эса халқаро молиявий ташиқлотларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестиция йўналтиришига асос бўляпти.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятига жаҳоннинг етакчи халқаро банкларидан 5 йил мuddатга гаровсиз узоқ мuddатли синдикациялашган кредит жалб этилди. Битимнинг умумий қиймати 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Маблағларни тақдим этишда JP Morgan & Chase, Citі, Societe Generale, Credit Suisse, ICBC Standard,

Halyk Bank ва Deutsche Bank каби молиявий муассасалар иштирок этмоқда. Мазкур сармоялар компаниянинг умумий корпоратив мақсадлари ҳамда инвестиция дастурини молиялаштириш учун йўналтирилди.

Бу “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ учун халқаро молия бозорлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган дастлабки қадам бўлиб, компанияни келажикда евробонд жойлаштиришга ва IPOга тайёрлайди.

Трансформация компаниянинг мамлакатимиз олтин қазиб олиш саноатидаги макеини сезиларли даражада муостаҳкамлади. Биз барча жараёнларни Жаҳон олтин кенгаши (World Gold Council) ва Цианидни бошқариш бўйича халқаро кодекс (International Cyanide Management Code) томонидан ишлаб чиқилган масъулиятли олтин қазиб олиш (Responsible Gold Mining Principles) тамойиллари асосида йўлга қўйдик. Бунга “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖни трансформация қилиш ва олтин ишлаб чиқариш бўйича глобал етакчига айлантиришнинг янги ва муҳим босқичи сифатида қараймиз.

Мазкур кредитнинг ажратилиши, биринчи навбатда, хорижий инвесторларнинг юртимиз иқтисодиётининг барқарорлигига катта ишонч ҳамда комбинатда жаҳонда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи замонавий корхона сифатида қараётганидан далолат беради.

Бугун Ўзбекистон янги тараққиёт йўлида дадил қадамлар билан бормоқда. Юртимизни ривожлантирган давлатлар каторида қўришдек улгувор мақсад турибди. Бу мақсадни рўёбга чиқариш йўлида комбинат жамоаси ҳам ўзининг малакали мутахассис ва тажрибали муҳандисларининг тинимсиз меҳнати ва юқори иқтисодий кўрсаткичлари билан муносиб ҳисса қўшади.

## ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

**Салоҳиддин САМАДОВ,**  
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридagi Жамоат ишлари жамғармаси ижрочи директори

Айниқса, маҳаллий тадбиркорларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хорижга экспорт қилиниб, миллий брендларимиз дунёга танилди. Мутасадди ташиқлотлар, давлат идоралари эса юрдошларимизни тадбиркорликка рағбатлантириш, ҳар бир ишбилармонни кўллаб-қувватлаш, уларга зарур қўмақ беришга бел боғлаган.

Биргина Жамоат ишлари жамғармаси фаолияти мисолида оладиган бўлсак, у нафақат одамларнинг вақтинча бандлигини таъминлаш, балки ишсиз юрдошларимизнинг ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиши, доимий даромад манбаига эга бўлишга ҳам қўмақлашиб келяпти. Яъни жамғарма маблағлари ҳисобидан дастлабки ишчи бошлаш учун зарур бўладиган минитехника, инвентарлар харид қилиниб, фозисиз ижара асосида бериш йўлга қўйилган. Буларнинг ҳисобига тадбиркорлар томонидан янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиб, биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 1 минг 127 нафар ишсиз хотин-қиз ва ёшларнинг бандлиги таъминланди.

## ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ БОШ ОМИЛИ

Маҳаллада тадбиркор кўп бўлса ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш орқали ўз ҳудудидаги бошқа инсонлар бандлигини таъминлашга ҳам хисса қўшади. Қолаверса, ҳозир юртимизда тадбиркорларга берилаётган имконият ва имтиёзлар сабаб бу фаолият турининг миллий иқтисодиётимиз ривожини, ички ва ташқи савдо ҳажмлари ошиши, аҳолини иш билан таъминлашдаги ўрни ортиб бормоқда.

## Миллий бренд остидаги маҳсулотлар экспорт қилинмоқда

Сирдарёлик тадбиркор Баҳодир Синдоров ўтган йили Сайхунбод туманида “Lily Textile Sayxun” корхонасига асос солиди. Ўз маблағи ҳисобидан бино ва иншоотлар қуриб битказган, иш фаолиятини бошлаш учун банк кредитларига эҳтиёж сезади. Жамоат ишлари жамғармаси тадбиркорга умумий қиймати 251,7 миллион сўмлик 57 донна тикув машинасини ижара асосида етказиб берди. Натижада корхона ишга тушиб, 90 киши доимий иш билан таъминланди.

Ҳар қандай тадбиркор ишни бошлаган вақтда айрим камчиликлар бўлиши табиий. Шундай вақтда озгина ёрдам, кўллаб-қувватлов ҳам одамга катта куч беради. Ҳозир юртимизда ишбилармонлар ана шундай қўмакни ҳар қадамда хис қилаётганини ниҳоятда қувонарли, — дейди Баҳодир Синдоров. — Хусусан, Жамоат ишлари жамғармаси томонидан тадбиркорларга берилаётган қўмак бошқа инсонларни ҳам иш билан таъминлаш, уларни камбағаллик ва боқимандлик кайфиятидан чиқаришга хизмат қилляпти.

Корхона, асосан, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида умумий қиймати 230 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказилди. Миллий бренд остида чиқарилаётган кийим-кечекларга хориж бозоридан

ҳам талаб юқори. Россия билан умумий қиймати 800 миллион сўмлик экспорт шартномаси имзоланган. Жорий йил 20 минг долларлик маҳсулот буюртмачиларга етказилди.

Фарғона вилояти Бувайда туманида 2020 йили ташкил этилган “Бувайда сумкалари” хусусий корхонаси тикувчилик чеҳи ҳам 60 та тикув машинаси ажратилишида амалий ёрдам сўраб жамғармага мурожаат қилди. Аввалига лойиҳа билан танишиб чиқилди. Корхона фаолиятини 50 ходим, 45 та усқуна билан бошлаган. Цехда ички ва ташқи бозор талабига қараб, асосан, аёллар сумкалари тикилар эди. Тадбиркор Зикрилло Усувалиевнинг мурожаати асосида жамғарма томонидан умумий қиймати 329,2 миллион сўмлик 60 донна тикув машинаси ажратилди. Шундан сўнг усқуналар сонини 105 тага етиб, 70 та қўшимча иш ўрни яратилди. Ишлаб чиқариш қуввати бир неча баробар ошди.

Ҳозир корхонада 50 турдан ортиқ сумка ишлаб чиқариляпти. Спорт ва ҳарбий сумкалар, эркаклар учун махсус иш портфеллари ҳам тикилляпти. Жорий йилнинг 6 ойида 600 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қўшни Қирғизистон ва Тожикистон билан умумий қиймати 400 миллион сўмлик экспорт шартномалари имзоланган.

## Тадбиркор аёл 500 дан ортиқ иш ўрни яратди

Бугун мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлиги ҳам жадал ривожланиб



боряпти. Ишбилармонликка қизиқиши бор аёлларни кўллаб-қувватлаш кенг миқёсли амалий ҳаракатга айланди, керак бўлса, уларни бирор йўналишга ўқитиб, сўнг иш бошлаши учун имтиёзли кредитлар ажратилляпти.

Сайхунбод туманидаги “AG-TEX” хусусий корхонаси раҳбари Гулчехра Носирова илк иш бошлаган кезлари амалий қўмакка эҳтиёжи бор эди. Жамғармага мурожаат қилиб, 4 донна айланма тўқув трикотаж машинасини ижара асосида олишига амалий ёрдам сўради. Қўмак берилган, тадбиркор ишни бошлаб, “Ешлар дафтари”га киритилган 10 нафар ишсиз ёшнинг доимий иш билан таъминланди.

Тошкент вилояти Бўка туманида яшовчи Саодатхон Тўхтабоева яқин йиллардан буюн “Бўстон барака нур” тикувчилик корхонасига раҳбарлик қилади. Қанчадан-қанча хотин-қизларни шу соҳага ўқитиб, иш билан таъминлаб келяпти.

Жамоат ишлари жамғармаси ҳам ушбу тадбиркор аёлни доим кўллаб-қувватлайди. Биргина шу йилнинг январь-май ойларида туманининг Бўстон маҳалласида ташкил этилган цех фаолияти учун жамғарма маблағлари ҳисобидан 203 та замонавий тикув машинаси олиб берилди. Натижада тадбиркор 500 дан ортиқ маҳаллий аҳолини иш билан таъминлади.

Ушбу хайрли иш тумандаги Човлисой маҳалласида ҳам давом эттирилди. Тадбиркор бу ерда “Дўстлик” тикувчилик корхонасини ишга туширди. Ўз ҳисобидан 19 та тўқув, жамғарма қўмағида 127 донна тикув машинасини қўлай ижара шартлари асосида харид қилган аёл маҳалладаги “Аёллар дафтари” ва “Ешлар дафтари”га киритилган ишсиз аҳоли учун 150 та янги иш ўрни яратди. Бунинг натижасида 120 та оиланинг камбағалликдан қиқшига эришилди.

Тадбиркорнинг фаоллиги, қолаверса,


юртимиздаги қўлай инвестицион муҳит хорижий инвесторларни ўзига жалб қилган. “Бўстон барака нур” МЧЖ туркиялик инвестор Фотиҳ Қўчак билан бир неча йиллардан бери фаол ҳамкорлик қилмоқда. Инвестор шу вақтгача Саодатхон Тўхтабаева технолог сифатида қўмак бериб келган. Шу билан бирга, бошқа инвесторларни жалб қилиб, ўз ишини кенгайтириш, кластер ташкил этишга киришган.

Корхона ва туркиялик инвестор ўртасида қиймати 3 миллион долларлик инвестиция шартномаси ҳам имзоланган. Фотиҳ Қўчак Ўзбекистондаги ишбилармонлик муҳитини юксак баҳолайди. Шу боис, Бўка туманида жойлашган саноат зонасидадан бўш турган чорвачилик фермаси биносини аукцион орқали харид қилди. Бу ерда тикувчилик фабрикасини ишга тушироқчи. Бунинг учун хориждан замонавий тўқув дастохлари, матога ранг берувчи янги технология олиб келиб, 2023 йилгача қўшимча инвестиция киритишни режалаштирган.

— Фаолиятимни бошлаганимга кўп бўлмаган бўлса-да, Италия, Россия ва қозғистонлик буюртмачилар билан 650 минг долларлик шартномамни имзолашга эришиб, маҳсулотлар экспортини йўлга қўйдим, — дейди Саодатхон Тўхтабаева. — Бундан Жамоат ишлари жамғармасининг бергани алоҳиди бекиём. Менга ишонч билдириб, ортиқчи овозларчиларимиз 2 йил мuddатга 10 фойизга ижара асосида тикув машиналари олиб беришди. Бу орқали фаолиятимиз кенгайиб, кўпроқ хотин-қизлар бандлигини таъминланганидан хурсандман. Чунки аёл ишлаб, оиласига даромад олиб кирса, кўнгли хотиржам, ҳаётида фаровонлик бўлади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Аёл бахтли бўлса — жамият бахтли бўлади”. Биз ана шу мақсадни ҳаётий ширимизга айлантирганмиз. Бу йўлда жамғарма билан истиқболли ишларни давом эттириш ниятидамм.

Айтгандек, фаол, ғайратли тадбиркорни кўллаб-қувватлаш мақсадида Бўка туманида Алҳажар маҳалласидаги бўш турган бино “Бўстон барака нур” МЧЖ балансига бепул топширилди. Бу орқали маҳалладаги ишсиз ва банд бўлмаган хотин-қизлар ва ёшларнинг доимий бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, энг асосийси, оилаларни камбағалликдан чиқаришга эришилмоқда.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ



КЕЛАЖАК КАДРЛАРИ

IT ривож — бугунги ва эртанги тараққиётимиз учун катта замин яратади

Бошланиш 1-бетда

Шунингдек, истаган жойида дунёнинг истаган нуқтасидаги ҳамкори билан ишлаш олади. Бунинг учун яхши компьютер ва юқори тезликдаги интернет бўлса кифоа. Оқддий, ахборот технологияларини унчалик чуқур тушулмаган одамнинг хаёлига келадиган дастлабки фикр шундай. Балки шу боисдир, ҳозирги ёшлар орасида мазкур касбга қизиқиш ортиб бормоқда. Бу бир қарашда тўғри. Лекин имкониятни юзага чиқариш учун шарт-шароит бўлмаса, ишлаш учун қулай муҳит яратилмаса, қўзланган мақсадга эришиш мумкинми?

Шу маънода, бугун мамлакатимизда мазкур соҳани қўллаб-қувватлаш, тараққий эттириш бўйича қилинаётган амалий саъй-ҳаракатлар диққатга сазовор. Бу юмушларнинг бошида, айниқса, давлат раҳбарининг ўзи турса, нур устига нур. Қувонарлиси, Ўзбекистон ёшларининг бу борада анча омади чопаган. Чунки Президентимиз вилоятларга сафарларининг ҳар бирида, турли учрашув ва мулоқотларда замонавий ахборот технологиялари бугуннинг талаби эканини қайд этиб, зарур шароит яратишни устувор вазифа сифатида қўяди. Масалан, давлатимиз раҳбарининг яқинда, яъни жорий йил 29 июль кунини пойтхат виллоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги "Astrum" IT академиясида ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари ва ёшлар билан учрашувини оилалик. Айтиш жоизки, гадаги учрашув ҳам самимий ва амалий натижаларга бой бўлди: соҳага дахлдор қўллаб масалалар ўртага ташланди. Мавжуд камчиликлар таҳлил этилди. Соҳа ривож бўйича мутахассисларга шу ернинг ўзида тегишли топшириқлар берилди. Бу, шубҳасиз, учрашув иштирокчилари, хусусан, ёш IT мутахассисларига узгача куч берди.



масаласини айтдим. Президентимиз бунга ўша ернинг ўзида рухсат берди. Бу нимани аналтади? Ҳозир IT парк резидентларига солиқ имтиёзлари бор. Яъни улар солиқ тўловларидан озод этилган. Лекин бу солиқ имтиёзлари IT таълим учун эди, холос. Энди улар IT инглиз тилини ўргатиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Чунки бугун IT соҳасида муваффақиятга эришишда инглиз тилини чуқур билиш муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ёшларнинг IT йўналишлар қаторида инглиз тилини ҳам шу ернинг ўзида ўрганишлари мақсадга мувофиқдир. Яъни бу орқали улар тезроқ ва самаралироқ натижага эришадилар.

"PDP University" — соҳадаги илк хусусий олий ўқув юрти

Одилбек Мирзаев юқорида бежиз "бу менинг иккинчи таклифим", дея таъкидламади. Чунки у ўтган йили мамлакатимиз тарихида биринчи марта Президент ва тадбиркорлар ўртасида бўлиб ўтган ҳам мулоқотда ҳам сўз олиб, кейинги беш йилликда ўртача ойлик маоши икки минг доллардан иборат 100 минг дастурчини тайёрлаш ва бунинг учун олий таълим йўналишида фаолият юритиш режасини айтган эди. Яқинда тадбиркорликка оид бир мақолада унинг бу хусусидаги қисқа интервьесини ҳам бергандик. Юқори Чирчиқ туманидаги учрашув сабаб унинг IT йўналишидаги фаолиятига ана бир қарра мурожаат қилишни лозим топдик.

Бугунги кунга келиб, ўтган йилги таклиф асосидаги ишлар деярли якунига етмоқда. Соҳадаги илк хусусий олий ўқув юрти жорий ўқув йилидан ўзининг қалдирғоч талабаларини қабул қилишга тайёрланмоқда.

Фаолият кенгаймоқда. "PDP IT Academy"да ёшларга олти ой, бир йил

давомида билим берилган бўлса, энди IT сир-асрорларини янада кучли мутахассислари орқали "PDP University"да чуқур ўргатишга киришилмоқда. Малакали IT мутахассислари етиштиришга ихтисослаштирилган мазкур университет дунёнинг 200 га яқин мамлакатда микозларга юқори сифатли ўқув дастурлари билан хизмат кўрсатувчи Буюк Британиянинг "Pearson" халқаро таълим компанияси дастурлари асосида фаолият юритади.

Бу ерда таҳсил олган ҳар бир ёш иккинчи курсдан оқиб яхши маошли ишга жойлаша олади. Чунки бизда шу даврдаги юқори талабларга жавоб берувчи, билим ва малакавий кўникмага эга мутахассислар шаклланиб улгурган бўлади, — дея фикрини давом эттиради О.Мирзаев. — Бу таълим жараёнининг энг муҳим босқичи ҳисобланади. Яъни бунда талабалар танлаган йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган билиминини амалиётга қўллаш бошлайди. Шу билан бирга, талабаларимиз тўртинчи курсни бивожланган мамлакатларда давом эттиришлари ҳам мумкин. Битирувчиларимиз эса "IT Startup" лойиҳаси асосида бўлиб етишади. Бу ҳар қандай йирик компания ёки корхона учун тайёр кадр дегандир. Президентимизнинг тадбиркорлар билан ўтган йилги очиқ мулоқоти мен учун жуда яхши имконият бўлди. Айтган таклиф ва фикрлар ўз-ўзидан келиб чиққан йўқ. Бунга тажрибамиз, хоржик мамлакатларининг ушбу йўналишидаги фаолияти сабаб бўлган. Бинобарин, бу борада ижобий ютуқларга эришаётган давлатлар кам эмас. Бизда ҳам ёшларга эътибор катта. Ихтисослаштирилган мактабларимиз бор. Шундай экан, нимага бундан унумли фойдаланмаслигимиз, иқтисодиётимизда ахборот технологиялари улуғлини қўлайтирмаслигимиз керак?!

Иқтисодиётини кўтараядиган, мамлакатни танитадиган омиллардан бири —

римиз лойиҳани амалиётга жорий қилишдаги қийинчиликларни енгиб ўтсин. Ишининг машаққатларини илпидан игнасиғача ўргансин. Битирувчи ёшлар ўз стартап лойиҳаларига эга бўлсин. Университетда мана шу нарсалар ўргатилади. Қолаверса, халқаро доирадаги йирик-йирик компанияларни Ўзбекистонга жалб қилишда ҳам кадрларнинг ўрни бўлақча.

Нима учун соҳани ривожлантириш керак?

Мамлакатимизда беш йил аввал IT экспорти бор-йўғи 600 минг доллардан иборат бўлган, холос. 2021 йилда эса дастурий маҳсулотлар экспорти 46 миллион долларга етган. Экспертлар фикрича, глобал IT бозори 2026 йилгача ўртача 10 фоиздан ўсиб боради. Мисол учун, 2020 йил унинг ҳажми 7,8 триллион долларни, 2021 йилда эса 8,2 триллион долларни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2022 йилда 9,3 триллион долларга етиши кутилмоқда. 2026 йилга бориб салкам 14 триллион доллардан иборат бўлади. Агар ҳаҳон IT бозорининг 0,1 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келса, ана шундай натижага эриша олам, бу IT экспортидан қарий 14 миллиард доллардан кўпроқ даромад топиш мумкин, дегани. Эътиборлиси, ҳаҳон компанияларининг қарий 45 фоизиди ахборот технологиялари мутахассисларига эҳтиёж бор. Таҳминларга қўра, 2030 йилга бориб уларга талаб 85 миллиондан ошади. Бундан қўринадик, IT мутахассислар тайёрлашга эътибор қаратаётган давлатлар ютказмайди. Бугун мамлакатимизда ушбу йўналишда қилинаётган ишлар бежиз эмаслиги шунда намоев бўлади. Бу борадаги ишлар қўламини кейинги йилларда жуда кенгайди. Натижада минглаб ёшлар кашф этилди. Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлашда хусусий секторнинг фаолияти ошди.

Бугунги кунда дунёда ахборот технологиялари шиддат билан ривожланмоқда. Жаҳонда унинг ўсиш суръатлари йилга 10 фоизни ташкил этиб, бу йил жами 4 триллион 300 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Ушбу бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаш учун мамлакатимизда катта ишлар бошланган. Сўнгги беш йилда соҳага 2 миллиард доллар, жумладан, 700 миллион доллар тўридан-тўғри инвестиция йўналтирилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барча ҳудудларда IT парклари очилиб, улар учун алоҳида солиқ режими жорий этилди. Бу орқали 14 минг нафар ёш юқори даромадли иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, ўзини ўзи банд қилган IT мутахассислар сони йил бошидан буён 2,5 баробар ўсиб, 43 минг нафарга етди. Энг асосийси, IT касбларини эгаллаш ёшлар ўртасида тренда айланди. Мактаб, лицей, коллеж, техникум ва университетларда "Бир миллион дастури" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўзида мамлакатимизда 134 та янги, жумладан, 50 та хоржик IT компания ташкил этилди, экспортёр корхоналар сони эса 2 баробар ошди. Хизматлар ҳажми ва тури ҳам қўлайди.

Юқори Чирчиқ туманидаги "Astrum" IT академиясидаги учрашувда давлатимиз раҳбари келгуси беш йилда мамлакатимизда ахборот технологиялари хизматлари экспортини 1 миллиард долларга етказиш режа қилинганини, бунинг учун ёшларни бу касбга ўқитишни тўғри йўлга қўйиш, уларни сифатли инфратузилма, компьютер ва кафолатли буюртма билан таъминлаш ушбу маррага эришиш омили бўлишини алоҳида қайд этди. Бу маррани забт этиш қийин эмас. Чунки IT соҳа бугунги кунда энг юқори талабга эга ва устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Стартаплардан тортиб, энг йирик компанияларга яхши IT мутахассисга эҳтиёжи бор. Шу тўғрисида уларга талаб жуда юқори. Тадбиркорлар, компания ҳамда ташкилотлар малакали IT ходим учун юқори маош тўлашга доим тайёр. Республикаимизда ушбу йўналишдаги ишларга қаратилаётган эътибор, яратиб берилётган шарт-шароитлар бунга пухта замин яратади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Тиббиёт кластерининг ташкил этилиши давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этиш учун тўлалигича замин яратади. Қолаверса, тиббиётда инновация ва биотехнология ишлари учун йўл очилади. Тиббий ёрдам кўрсатишнинг учинчи даражасида тиббий хизмат кўрсатишнинг янги модели яратилиб, эндоваскуляр хирургия, кардиохирургия, юқори технологик даволаш усуллари, трансплантация хизматлари тиббиёт кластерида тўлалигича йўлга қўйилади.

ГУЛИСТОН ТИББИЁТ КЛАСТЕРИ

Бемор барча зарур муолажа ва маслаҳатларни шу ернинг ўзида олади

Ана шу мақсадда ташкил этилган "Гулистон тиббиёт кластери"нинг биринчи босқичи бугун ўз фаолиятини самарали давом эттирмоқда. Тиббиёт кластерининг иккинчи босқичи ҳам ишга туширилгач, айни вақтда мавжуд бўлган ўринлар сони 520 тага етади, 5 та даволаш масканини ўз ичига олувчи муассасада барча бўлимлар каби диагностика ва лаборатория текширувлари марказлашиб, бир бинода жойлашади. Бемор эса, ўз саломатлиги билан боғлиқ тахсис натижасини олиш учун, гоҳ у, гоҳ бу шифохонага боришига ҳожат қолмайди.

Қувонарли томони, кластер фаолияти тўлиғича йўлга қўйилгач, бемор ҳеч қандай овозгарчиликсиз, бир вақтнинг ўзида кардиолог, окулист ёки эндокардиолог маслаҳатини шу ерда олиши мумкин бўлади.

Бемор эса, "бир том остида" барча зарур муолажа ва маслаҳатларни олиб, ҳам вақтин, ҳам маблағини тежайди. Бунинг учун, бу ерда етарлича имконият яратилиб қолмай, малакали шифокорлар бригадаси шакллантирилади. Натижада улар бемор саломатлиги билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар кузатиб, шу ернинг ўзида улар томонидан консулти асосида тахсис қўйилиб, даволаш муолажалари олиб борилади.

Айни вақтда Гулистон тиббиёт кластерининг 100 ўринли терапия корпуси биноси янгитдан қурилиб, фойдаланишга топширилди, — дейди Гулистон тиббиёт

кластерининг нефрология ва гемодиализ бўлимида фаолият олиб бораётган шифокорларга ўз устида ишлаб, илмий излашни билан шуғулланиш имконини бермоқда.

Биргина жорий йилнинг ярим йиллигида мазкур кластерда Республика илмий-амалий тиббиёт марказлари билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари сабаб 150 дан ортиқ юқори технологик амалиёт ўтказилди.

Мисол учун, бундан бир ярим, икки йил муқаддам, туғма нуқсонлар, таянч-ҳаракат аъзолари шакли ва функциялари бузилиши билан боғлиқ хасталиқлар билан хасталанган беморлар, ушбу турдаги амалиётини ўтказиш учун Сирдарёдаги тиббиёт муассасаларига эмас, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказига мурожаат этар эди.

Мазкур муассасада ушбу турдаги, юқори технологик жаррохлик амалиётлари Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари малакали мутахассислари ёрдами билан йўлга қўйилган, даво истаб республика илмий-амалий тиббиёт марказларига борувчи беморлар сонининг қисқаришига, Гулистон тиббиёт кластерига мурожаат этувчилар сони қўлайишига сабаб бўлди.

— Ўтган йили Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази

ГУЛИСТОН ТИББИЁТ КЛАСТЕРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ЗАМОНАВИЙ, ЭНГ СЎНГГИ РУСУМДАГИ ТИББИЙ ЖИҲОЗЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ЎТГАН 2021 ЙИЛ ОХИРИ, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ЎТҚАЗИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН 10 ТУРДАГИ АППАРАТУРА, ЯЪНИ АНАЛИЗАТОР, РАҚАМЛИ РЕНТГЕН, КАМЕРАЛИ МИКРОСКОП, ВИДЕО ЭНДОСКОП, ЖАМИ 1 МИЛЛИАРД 735 МИЛЛИОН СЎМЛИК ТИББИЙ АСБОВ-УСКУНАЛАР КЕЛТИРИЛДИ.

кластери директори Қодир Ҳотамов. — Унинг қурилиши учун 18 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Эндиликда ушбу бинодо умумий терапия ва реабилитация, неврология, кардиоревматология, пульмонология ва гематология бўлимлари фаолиятини бошлаган бўлса, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, унинг ба- лансидида бўлган ва айни вақтда Гулистон тиббиёт кластери балансида ўтказилган эски 2 қаватли хирургия биносида реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу юмушларнинг бажарилиши учун қарий 3 миллиард сўм маблағ йўналтирилган. Қурилиш ва реконструкция ишлари ниҳоясига етган, у ерда 60 ўринли эндокардиология диспансери хирургия хизмати билан ва шунингдек, 30 ўринли йиригил септик хирургия, бинонинг биринчи қаватида 15 ўринли нефрология бўлими фаолиятини бошлайди.

Энг муҳими, Гулистон тиббиёт кластерининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий, энг сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида ўтган 2021 йил охири, жорий йилнинг ўтган даврида юқори технологик операцияларни ўтказишга мўлжалланган 10 турдаги апаратура, яъни анализатор, рақамли рентген, камера-ли микроскоп, видео эндоскоп, жами 1 миллиард 735 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. Диагностика ишларини яхшилаш учун рақамли "DRF-4" келтириб ўрнатилди. Яқин вақтлар оралиғида "Philips" фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган магнит-ли резонанс томограф апарати келтирилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Гулистон тиббиёт кластерида тиббиёт ходимлари илмий иш билан шуғулланиши учун республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Бу эса тиббиёт

малакали мутахассислари билан ҳамкорликда маҳорат дарси асосида 21 нафар беморда, жорий йилда эса 18 нафар беморда шу турдаги, юқори технологик оператив даволаш усуллари талаб эътибори эндопротезлаш амалиёти ўтказдик, — дейди Гулистон тиббиёт кластери нейротравматология бўлими травматолог Севра Отаева.

Худудларда бирламчи тиббий ёрдам хизмати сифатини яхшилаш мақсадида фаолият йўлга қўйилган тиббиёт кластери бугун қўллаб дардманд дилларга маълум бўлмоқда.

— Икки йилдан буён таянч ҳаракати билан боғлиқ касаллик сабаб, юрولмай қолганим, — дейди Сайхунбод туманининг "Пахтаобод" маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи Ҳайитбой Бургутов. — Даво истаб шифокор ва табибларга мурожаат қилдим. Ҳеч натижа бўлмади. Танишларим тавсиясига асосан, Гулистон тиббиёт кластерига мурожаат қилдим. Улар замонавий рақамли рентген апаратида текшириб, тахлиллардан сўнг, касаллигим сабабини аниқлаб, унга чаноқ-сон бўғими диспластик коксартроз деган ташхисни қўйишди. Энг муҳими, ушбу жаррохлик амалиёти ўзимизнинг Гулистонда ўтказилди. Вақтимиз ҳам, маблағимиз ҳам тежалди. Сарсон-саргардон бўлмадик. Бундан нафақат мен, айла оъзоларим ҳам хурсанд.

Бир сўз билан айтганда, Гулистон тиббиёт кластери тўла-тўқис ишга тушган, аҳолини қўйиб келаётган, саломатлиги билан боғлиқ қўпгина масалаларга шу ернинг ўзида ечим топилади. Вилоят аҳолисининг янада малакали тиббий хизмат олиши, даволаши учун узоққа боришига ҳожат қолмайди.

Ғулом ПРИМОВ, журналист




Ҳаким Мўллошев олган суратлар.

31 АВГУСТ — ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

Наим КАРИМОВ, академик

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатағон қурбонлари ҳақида “Уларнинг айби буюк бўлгани. Биз шу вақтгача тарихнинг ўзимизга ёққан жойларини олиб, ёқмаган томонини яшириб ўтдик. Бировга ёқадими-ёқмайдими, ғуруримизми-армонимизми, муваффақиятми ё хиёнатми — ҳаммасини ҳаққоний ёзиш керак”, деган гапи исботи сифатида сўнгги йилларда ўша мудҳиш даврда қурбон бўлганлар хотирасини абадийлаштириш, меросини ўрганишга доир фармон ва қарорлар имзоланиб, эзгуликка йўғрилган хайрли ишлар амалга оширилди.



Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга ураб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя...

Давлатимиз томонидан биринчи марта бу нозик масалага оидлиқ киритилганига қарамай, биз, қатағон даври тарихчилари ҳам, хорижий қатағоншунос олимлар ва журналистлар ҳам бу маълумотга шубҳа билан қарадик. Бизнинг тасаввуримизда, мамлакатимизда қатағон бўруни кириб, ҳаммаёқни хонавайрон қилмаган на шаҳар, на қишлоқ, на кўча ва на маҳалла қолмагандек эди.

Собиқ НКВД архивда ишлаган вақтимизда эса ҳар 15–20 саҳифали “дело”ларда НКВД жаллодлари томонидан қалтаклаб ўлдирилган, судга етиб бормаганлари учун “шахсий ишлар”и ташлаб юборилган, аммо улар ўлимни тасдиқлаган тиббий маълумотномалар жуда кўп учраган. (Биз қатағон қурбонларининг реал рўйхатини тўзатганимизда шу маълумотномалардан ҳам фойдаланганимиз лозим.)

“Известия” газетасининг 1990 йил 14 февраль сониде берилган маълумотга қараганда, 1930–1953 йилларда СССР бўйича 3 миллион 778 минг 234 киши аксинкилобий-аксилшўрвий-миллатчилик ташкилотларига алоқадор унсур сифатида қамоққа олинган. Шундан 786 минг 98 киши отиб ташланган.

Махфий ҳужжатларда берилган маълумотларга қўра, 1919 йилдан 1937 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда 450 минг киши устидан “дело” кўзатирилган. Агар 1937 йилдаги “Катта қиргин”да ВЧК-ГПУ-НКВД томонидан қамоққа олиниб, айби исботланмагани учун озод этиб ёки қисқа муддат этиб чиққан кишиларнинг қайта қамоққа олинганларини ёдда тутсақ, Ўзбекистон бўйича қатағон қурбонлари сони бир неча баробар ошиб кетади.

Қатағоннинг бошланиши

Совет давлати 1917 йилда Петербургда оз сонли большевикларнинг кўп сонли пролетарлар ёрдамида амалга оширган давлат тўнтарыши натижасида вужудга келган. Жаҳоннинг олтидан бир қисмида пролетар (йўқсил)лар давлатининг вужудга келиши Европа мамлакатларидаги пролетарларда ҳам шундай истакни уйғотиши мумкин эди.

Большевиклар ҳам шу мамлакатлардаги пролетарлар ёрдамида “жаҳон инқилоби” гоёси билан яшай бошлаган эди. Кундан-кунга кучайиб бораётган бу сиёсий вазият Европа давлатларини хушёрликка чақиради ва улар СССРни ўша пайтдаёқ бўғиб ташлашга аҳд қилади.

Агар Европа давлатлари СССРга қарши уруш бошлаسا, СССРда совет давлатидан норози бўлган кишилар оз эмас ва улар танқар ҳамда тўплар билан кириб келиши мумкин бўлган душман тарафга ўтиши мумкин эди. Қолаверса, совет давлатига

раҳбарлик қилаётган большевиклар ўртасида ҳам пинҳона кураш бошланганди. Шунинг учун совет давлати раҳбарлари тарих саҳнасига чиқишлари биланоқ ВЧК, ГПУ (Давлат сиёсий бошқармаси), ОГПУ (Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси) деган жазо органларини тузиб, совет давлатига хайроқ бўлмаган, янги тузила бошлаган колхозу совхозларга киришни истамаган ёки шу ҳўжалиқдаги техника (масалан, трактор)га уқувсизлиги орқасида зарар келтирган кишиларни қамоққа ола бошлади.

Натижада давлат ва халқ ўртасидаги алоқа янада таранглашиб борди. 1934 йилда Ленинградда Сталиннинг яқин сафдошларидан бири С.М.Кировнинг отиб ўлдирилиши жазо органларининг фаоллашувиغا баҳона бўлди. Мамлакатда “тозалаш”, у билан кетма-кет “қулқолаштириш” кампаниялари амалга оширилди. Сталин ва унинг сафдошлари давлат билан халқни қамчи билан бошқариш сиёсатини жорий этди.

30-йиллар арафаси ва 30-йилларнинг бошларида Ўзбекистонда суд ва прокуратура органларидаги миллий кадрларни, Мунаввар қори Абдурашидхон раҳбарлигидаги собиқ “миллий иттиҳодчилар”ни, Боту раҳбарлигидаги Маориф халқ комиссарлиги тизимидаги ходимларни, шунингдек, НКВДга ёлланган унсурлар ёрдамида “Ботир галчилар” сингари ғайришўрвий ташкилотларни тузган ва шу ташкилотларга аъзо бўлган кишиларни ҳам қамоққа олиш ишлари авж олди.

Сталин раҳбарлик қилган совет давлати бундай жиний ишларни амалга ошириш билангина кифояланмай қолмай, 1937 йилда тарихга “Катта қиргин” номи билан кирган ва юз минглаб беғуноқ кишиларнинг ёстигини қуритган, минглаб оилаларни хонавайрон қилган катта қатағонни бошлаб юборди.

Республика раҳбарлари, айниқса, Марказкомнинг рус миллатига мансуб иккинчи котиби ГПУ, ОГПУК ва НКВД раҳбарлари билан бирга шундай гоёларнинг жарчиси бўлган Бехбудий, Чўлпон ва Фитратларнинг “попуги”ни пасаптириш чораларини кўрди.


Сирасини айтганда, совет давлатининг мустамлакачилик сиёсатини ўз қўзлари билан қўриб турган миллий раҳбарлар ҳам Чўлпон ва Фитратлар билан шу масалада ҳамфижр эди. Шунинг учун ҳам 1937–1938 йиллардаги қатағоннинг биринчи ва катта зарбаси Республика раҳбарлари ва Чўлпон, Фитрат сингари “халқ дили таржимонлари”нинг бошларига келиб тушди.

Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромовнинг қатағон қилиниши

Файзулла Хўжаевни яхши билган ва ҳурмат қилган рус адбаси Галина Серебрякованинг хотираларида бундай сўзлар ёзилган: “Файзулла Хўжаев бизнинг хонадонимизда бўлганида, онам ва дўстларим тунгашини севарди. Бир кун Хўжаев Икромов билан келиб қолди. Улар бизникида турмуш ўртоғимизни гимназиядоши Борис Пастернак билан танишди. Бизникида тез-тез меҳмон бўлиб турмушчи Пастернак оқшом чоғида “Лейтенант Шмидт” достонини ёддан ўқиди.

Биз бу асарни нафас олмайд тинглаб, жуда манзур бўлганини айтдик. Пастернак ўқини тугатунига қадр Хўжаев унинг ёнида тик туриб тинглади. У рус шеърятининг билимдони экан, гоҳ Блокдан, гоҳ Брюсовдан парчалар келтириб, Пастернак билан узоқ сўхбатлашди...”

Г.Серебрякова сезгандек, Ф.Хўжаев ҳам, А.Икромов ҳам нафақат сиёсат, иқтисод ва қишлоқ хўжалигини яхши билувчи, балки адабиёт ва санъатни ҳам чуқур



Нега қатағон давлат раҳбарлари ва адабиёт яловбардорларини қамоққа олишдан бошланган?

“Репрессия” лотин тилидаги repression сўзидан олинган бўлиб, айрим лугатларда жилловлаш, жазо чораси маъносини аниқлаган бўлса, бошқа лугатларда ўзга юрт фуқароларига таҳдид ва таъзия ўтказиш, жазолаш маъносини билдиради.

Бинобарин, бу сўз совет давлатининг қатағон сиёсати бошланган 30-йилларга қадар Ғарб давлатларининг ўз мустамлакачилари эрк ва ҳуррият учун курашган кишиларга нисбатан қўлланган террорни, қирғинни аниқлаган. Ўзбек тилида “репрессия” сўзининг асл маъносини ифодаловчи бирор қалима бўлмагани учун 50-йиллардан бошлаб “қатағон” сўзи “репрессия” маъносиде қўлланиб келади.

Чор Россияси Туркистонни босиб олганидан кейин “ўзга юрт”, яъни Туркистон аҳолисининг зулм ва зўравонликка қарши, миллий озодлик учун олиб борган курашига раҳбарлик қилган ва шу курашда қатнашган аждодларимизни отиб, осиб, Сибирнинг одотб тушмайдаган жойларига бадарга қилиб келди.

1917 йили ҳокимият тепасига келган большевиклар ҳам Туркистонда Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини чиройли шорлар билан ниқоблаган ҳолда давом эттирди.

20-йиллар охири 30-йилларнинг бошларида, бошқа республикаларда кузатилингандек, Ўзбекистонда яшовчи аҳоли ўртасида ҳам совет давлати сиёсатидан норозилик кайфияти кучайди, адабиёт ва санъат асарларида эрк ва ҳуррият учун кураш гоёлари янграй бошлади.

тушунган, шу соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаган давлат ва партия арбоблари эди. Халқ уларни севарди ва ҳурмат қиларди.

Шабодаси эса бошланган “Катта қиргин”нинг Туркистонда муваффақиятли ўтишида шу икки раҳбарнинг республика халқи ўртасидаги катта обрўси халал бериши шубҳасиз эди. Шу ҳол юз бермаслиги учун улар ўртасига азалдан ниқоқ солиб келинаётган, энди бу ишни янада кучайтириш, маҳаллий қўрқоқ большевиклар ёрдамида улардан бирининг обёига болта уриш керак бўлган. Москва назарида, аввал бой савдогар оиласидан чиққан Файзулла Хўжаевни бир ёқлик қилиш, бунинг учун эса уни Марказкомнинг янги бюроси таркибига киритмаслик шарт эди.

Съезд тўртинчи иш кўни ҳайъат аъзолари ўз ўринларини эгаллаганларида улар орасида Ф.Хўжаевнинг йўқлиги съезд қатнашчиларини ажаблантирди. А.Икромов микрофони қўлига олиб: “Қадрли ўртоқлар! Съездни бир кун кечиктирганимиз учун кечирасизлар. Бунинг сабаби ёлқ овоз бериш натижасида Файзулла Хўжаев Марказий Комитет аъзоллигига ўтмай қолди. Мен бу ҳақда ўртоқ Сталинга кўнғироқ қилиб, унга маълум қилдим. У киши менга: “Ҳаммасини демократия ҳал қилади”, деб жавоб берди”, деб минбардан тушиб кетади.

Демократиянинг қалити Сталиннинг қўлида эди. А.Икромов Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси Ф.Хўжаевнинг тақдир масаласида Қозғилга қўнғироқ қилиши билан алоқа узилди, нафақат Хўжаевнинг, балки Икромовнинг ҳам тақдир ҳал бўлгани маълум бўлади.

А.Икромов жамоалаштириш ва саноатлаштириш даврида фавуллода чораваларини қўллаганига қарши чиққан совет давлати арбобларидан бири, “Правда” (1928–1929) ва “Известия” (1934–1937) газеталари муҳаррири Н.И.Бухарин билан яқин алоқада бўлган.



МАХФЙ ҲУЖЖАТЛАРДА БЕРИЛГАН МАЪЛУМОТЛАРГА ҚўРА, 1919 ЙИЛДАН 1937 ЙИЛГАЧА БўЛГАН ДАВРДА ЎЗБЕКИСТОНДА 450 МИНГ КИШИ УСТИДАН “ДЕЛО” КўЗАТИЛГАН. АГАР 1937 ЙИЛДАГИ “КАТТА ҚИРГИН”ДА ВЧК-ГПУ-НКВД ТОМОНИДАН КАМОҚҚА ОЛИНИБ, АЙБИ ИСБОТЛАНМАГАНИ УЧУН ОЗОД ЭТИБ ЁКИ ҚИСҚА МУДДАТ ЭТИБ ЧИҚҚАН КИШИЛАРНИНГ ҚАЙТА КАМОҚҚА ОЛИНГАНЛАРИНИ ЁДДА ТУТСАҚ, ЎЗБЕКИСТОН БўЙИЧА ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ СОНИ БИР НЕЧА БАРОБАР ОШИБ КЕТАДИ.

20-йилларнинг ўрталарида Бухарин билан Сталин ўртасидаги биродарлик муносабати дарз кетган, у 1924 йилда ВКП(б) МК Ташкилий бюроси аъзоллигига номзодлик ҳўқуқидан маҳрум этилди, 1937 йилда биринчилардан бўлиб “халқ душмани” сифатида айбонлиб, қамоққа олинади. Бу ҳол у билан дўстона алоқада бўлган А.Икромовга таъсир кўрсатмай қолмади.

А.Икромов билан Ф.Хўжаев Москвага олиб борилиб, 1938 йил 2–13 февраль кунларида “Советларга қарши ўнг троцкистик блок” устидан бўлиб ўтган суд жараёнида шундай тахрир қилинадики, совет давлат тузумида нафақат мустамлака халқ, ҳатто унинг раҳбарлари ҳам ҳеч қандай ҳўқуққа эга эмаслиги бунун дунёга ошкор бўлади.

Иккинчи эшелон

Ҳали қатағон тегиримини ишга тушмаган, уйин-қулплар давом этаётган, ҳатто маляк раҳбарлари Москвада ўзбек санъати декадасини ўтказиш ташвиши билан яшаётган кунлар эди.

Еш истеъдодли композитор Мутал Бурҳоновга Сталин ҳақидаги қўшиқ мусиқасини яратиш вазифаси топширилгани учун у почаси Фитрат тўфайли яхши танигани Чўлпоннинг уйига бориб, ундан шу қўшиқ сўзларини ёзиб беришни илтимос қилди.

Аммо Чўлпон: “Мутаваккилхон, менга шеър ёзиш қийин эмас. Бир кечада ёзиб ташлашим мумкин. Аммо замон қалқиб турибди. Агар менга бир бало бўлса, менинг шеъримга кўй басталаганимиз учун сиз ҳам жабр кўрасиз. Мен тўфайли озор кечкишганини сира-сира истамайман”, деб жавоб берди.

Чўлпон аросатда қолмаслиги учун ўша кунлардаёқ дастлаб Андижонга, ундан Ўшага ўтиб, НКВД айқоқчиларининг қўлига тушиб, қариндош-уруғлари бошига бирор фалокат тушмасин, деб барча қўлэмаларини Тошкентга олиб келади.

Уларни ёқиб, қулини бир халтачага солиб, деразининг тепа бурчагига осиб қўяди. Қим билади, балки Чўлпон агар қамалди билан ва отилади билан бўлса, юрак қони билан ёзилган, энди қулга айланган шеърларини — шу ҳамойилини бунинга осган ҳолда нариги дунёга кетишни хоҳлаганимкин?..

Кўп ўтмай, у кутган момағулдиракчи кунлар етиб келди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ёлбек, Боту, Ғоzi Юнус, Сўфизода, Фўтон Зафарий, Рафиқ Мўмин, Шокир Сулаймон, сингари шоир ва ёзувчилар мангалига “халқ душмани” деган тамга урилиб, камераларга ташланган.

Улар орасида Чўлпоннинг Низомиддин Хўжаев деган дўсти ҳам бор эди. Бунинг қаранглик, у ҳам шоир экан. Агар шор бўлмаганда, шундай ғаройиб шеърни ёза олган бўлармиди?..

Бу дунё лаззатин топмай, чекиб ҳам, Юрардим излабди, ҳеч олмайдим дам. Қаердан топса мумкин зарра роҳат, Йўқолсин юртимизда хоб-у ғафлат. Кеча-кундаз юракда ўт ёнаду, Шу халқим дардида дил ўртонандур. Бу ғафлат ичра тоқай биз ётуримиз, Келиб ғайратега элни уйғотуримиз. Бўлур обод юрт қўлни-қўлга берсак, Тўтиб қўлга қурол, майдонга кирсак.

Чўлпон ҳам, Низомиддин Хўжаевлар ҳам шундай ташвиш ва шундай мақсад билан яшайди. Аммо шимолдан кетма-кет келган зулм қаровни олдиде улар ночор аҳволда қолди.

Чўлпон қамоқхонага тушган кунларида қандай руҳий аҳволда бўлганини тасаввур қилмайман. Ҳар ҳолда эркин нафас олиб, Тошкент осмонидеги қанқоқ юлдузлардан нур олиб яшаётган шоирнинг қамоққа тушиб, ҳар кун терговчининг совуқ юзини кўришидан азобли нарса йўқ, бу дунёда.

Лекин у руҳининг синиклигига қарамай, қўши камерада Ғоzi Юнуснинг рафикаси, бошқа давлат ва маданият арбобларининг рафикалари азоб-уқубат чекиб ётганларини эшитиб, улар руҳини кўтарувчи хат ёзиб, киргизган.

Ҳадица ая большевиклар дўзахидан омон-зсон чиққанидан кейин уша кунни бундай эслаган эди:

“...Мени турмада қолдиришди. Қизларимни эса чиқиратганча бошқа жойга олиб келишди. Камерага кирсам, бир тўда аёл, бир-бирининг пинжига тиқилиб, жовдираб қараб туришибди. Қўзим қоронғиликка кўнжикан, танидим: Собира Холдорова, Файзулла Хўжаевнинг оиласи... Хўллес, қим қамалган бўлса, аёллари шу ерда тиқилган экан. Чўлпон ақанинг аёли юеуриб келиб, мени кучоқлаб олди.

Бир кун оқват олиб келувчи тўйуқчадан мўраблал туриб: “Ҳадича опа қим?” — деб сўради. Аёллар менга шора қилишди. Оқват олиш наватми менга етиб келганида халии қилимиз булканган бир қозонни яширича қўлима тутказди. Собира Холдорова дарворе уни қўлимдан олди, ўқишае тутинди.

Бу — Чўлпон ақанинг менга ва мен билан бирга қамоқда ўтирган жабрийда аёлларга бағишлаб ёзган шеър экан. Чўлпон ақа, афтидан, ўзининг аёли ҳам қамалганини, биз билан бирга бир камерада ётганини билмас эди.

У бизни замонанинг қахрамонлари сифатида шеърға солиб улуглаван, кўп ташсирчан, самимий сифатларда матонатли бўлишае ундаган эди...”

Чўлпон қамоқхона терговчилари ва назоратчиларидан қанчалик озор кўрганга, шўро давлатининг ўзбек халқига нисбатан бошқарилган қирғинини ўз кўзи билан кўриб, эзиллиб юрганига қарамай, истиқлолсеварлар рафикаларининг камерада ҳақоратланми яшаётганига чидай олмаган.

Айни пайтда маҳбус эрларининг содиқ рафикалари сифатида қамоққа олинган бу аёлларни декабрист аёллар, деб улуглаган. Рус халқи рус декабрист аёлларини миллий қахрамон сифатида қандай улуглаган бўлса, ўзбек халқи ҳам дорилмоман замоналар келганида ўзбек “декабрист аёлларини” ҳам шундай улуглайди, деб ўйлаган эди.

Афсуски, Чўлпон орзу қилган дорилмомон йиллар келганида ҳам ўзбек зибиллари Сиз — Ҳадича ая, Сиз — эрларини шўро давлати зулмидан, қилич ва милитк кўриб турган жаллодлардан химоя қилишга уринган, истиқлолсевар турмуш ўртоқларинингиз энг зарур пайтда қалқон бўлганингиз ҳақида донстан ва романлар, кинофильм ва спектакллар ярато олмади.

Лекин Сизлар, буюқ Чўлпон айтганидек, “Катта қиргин” даврида ўз Ватани ва халқини севган, шу Ватаннинг озод ва обод бўлишини истаган эрларингизни қалқон бўлиб химоя қилдингизки, қахрамонлигингиз олдида декабрист аёллар жасорати байрам шарларидек пучайиб кетади.

Мустамлакачилик ва қатағончилик даврининг беғуноқ қурбонлари

Шаҳидлар... Мустамлакачилик ва қатағончилик даврининг беғуноқ қурбонлари... Уларнинг янги ёққан қордек пок номлари ўзбек халқи тарихида абадий қолади. Биз ҳар йилнинг 31 августиде ва бошқа кунларда Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуғига бориб, шаҳид аждодларимизнинг рамзий сағаналарига гул қўйган пайтимида шоир Ғоzi Юнусов сатрлари жаранглаб тургандек бўлади:

Вале, бу дунёда олий ҳакам бор, Ушал қўдрат эрур ману устобор, Шаҳидлар боне уриб ҳар шому наҳор, Бизни оғоҳ этар, бўлине, деб, хушёр, Улар халқимизга қалқон эдилар, Абадий барҳаёт вихдон эдилар! Шаҳидлар хотираси ҳаммасини учун муқаддасдир.

“Шаҳидлар хотираси” майдонида

Ўша кундан бошлаб ўрта ва олий ўқув юртлари талабалари, қорхона ва ташкилотлар вакиллари, вилоятлардан ва хориждан келган меҳмонлар тез-тез шу ерга ташриф буюриб, номасълум қатағон қурбонининг рамзий қабрига гул қўйиб, Қўршон сураларини ўқиш билан шаҳидлар руҳини эслаб, эъозлаб келади ва бу маросим миллий маросимга, миллий анъанага айланган.

Шундай зиярат кунларининг бирида оташнафас шоир Ғоzi Юнусов Жабборов шаҳидларнинг порлоқ хотирасига бағишланган шеърини ўқиб, йиғилган ёшлар қалбини титратиб юборган эди:

Улар... минглаб, балки милён эдилар, Яшаган тугилган инсон эдилар, Ширин жон эдилар, иймон эдилар, Бу жаҳон уйига меҳмон эдилар, Ҳали ушланмаган армон эдилар... Новаҳ чанаал уриб даҳшатли бало, Уларни шу кўнае этди мубтало. Сирти хўп ялтироқ, асли аждаҳо Сочди ғазабини — ёеуз ва юхо... Айбларин билмасдан хайрон эдилар... “Улар... минглаб, балки милён эдилар...” — шоирнинг шу сатрида тилга олинган масала узоқ йилларда бери оддий ватандошларимизни ҳам, қатағон даври тарихи билан шўғулланмаётган олимларни ҳам уйлантириб келади.

Ўзбек халқи қатағон йилларида қанча фарзандидан жудо этилди? Бу саволга қим жавоб бериши мумкин? Қатағон даври тарихчиларимиз? НКВД-КГБнинг ўша йилларда Ўзбекистонда қатағон сиёсатини амалга оширган қонхўр раҳбарларимиз?

Афсуски, на улар ва на булар бу ҳамлетона саволга аниқ жавоб беролмай келади. Биринчи Президентимиз “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуини очиш маросимиде сузлаган нутқида шу ҳақда бундай деган эди: “...Маишум 1937–1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун



СССРнинг ГУЛАГ лагерлари жойлашган харитаси.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридеги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-864. 81651 нусхадда босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда. “ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Тўрон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева Мусаҳҳиш: Шероод Маҳмудов Дизайнер: Зафар Рўзиев Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўза Яқуни — 21:36 Топширилди — 23:25